ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

13 ноябрь, пайшанба 1997 йил №133 (483)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

ТОҒЛАРДА БАРАКА БОР
2-БЕТДА

ИНСОН ЗИЙНАТИ САМИМИЙЛИК ВА ВАЗМИНЛИК
3-БЕТДА

ҲАММАМИЗНИНГ БОЙЛИГИМИЗ ЭМАСМИ?
4-БЕТДА

Иқтисодиёт хабарлари

НАМАНГАН. Вилоятда янги тузилган мева-сабзавот ҳудудий бирлашмасида маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида тайёрлаб сотишда дастлабки ҳаракатлар бошланди. Россиянинг Новосибирск шаҳрида савдо уйи ташкил этишга оид тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди.

Косонсой консерва заводида Эрон билан ҳамкорликда қўшма корхона тузилаяпти. Бу ерда кичик идишчаларда тайёр маҳсулот-кетчуп ишлаб чиқарилади. Бирлашмага қарашли «Гулшан» жамоа хўжалигида эса Саудия Арабистони билан 20 гектар майдондаги узумзорни томчилатиб суғоришни ташкил этиш буйича шартнома тузмоқда.

БУХОРО. Сунгги йилларда Бухоро вилоятида ишлаб чиқариш соҳаси буйича бир қанча ибратли ишлар амалга оширилятпти, бу эса республикамиз иқтисодиётида ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Бухоро пахта тозалаш заводида уй-рўзгор ва тиббиётда қўлланиладиган маиший пахта ишлаб чиқариш ва ишчи коржомалари тайёрлаш цехлари ишга туширилди. Бу цехларда айни кунларда 30 киши меҳнат қилмоқда.

ЖИЗЗАХ. Жиззах туманидаги кўп тармоқли «Камолот» савдо ишлаб чиқариш фирмаси аъзолари эрта кўкламда илк бор яхши ният билан 250 гектар майдонга барака уруғини қадашган эди.

Эзгу ният билан унумли қилинган меҳнат бугунга келиб ўз самарасини берди. Фирма аъзолари ҳар гектар майдондан ўртача 34 центнердан ҳосил кўтаришиб, пахта топшириш йиллик режасини бажаришди. Кўтарилган умумий хирмон 850 тоннадан ошиб кетди. Ҳозирда мавжуд майдонлардан яна 20 тоннадан зиёд ҳосил олишни ният қилган пахтакорлар терим ишларини давом эттираяпти.

СЕРМАЗМУН МУЛОҚОТЛАР

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоялашни бош мақсад қилиб олган касаба уюшмалари бозор муносабатлари шароитида ҳам меҳнаткашларнинг энг оммавий жамоат ташкилоти мавқеини сақлаб қолишга, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашнинг янгича услубларини қўллаш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, корхоналарда зарур иш шароитини яратиб бериш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга ёрдам қўлини чўзиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, Республикамиз Президенти Ислом Каримов белгилаб берганидек, «...янги шароитда меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳам ўзгариши табиийдир».

Ана шуларни назарда тутган касаба уюшмаларимиз меҳнат жамоаларида тобора собиткадамлик билан иш юритмоқдалар, жойларда меҳнат аҳлининг турмуш ва иш шароити билан яқиндан танишиб, уларни яхшилашга амалий ҳисса қўшаётирлар.

Узбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши республика касаба уюшмаларининг бош штаби сифатида жойлардаги аҳволни пухта ўрганиш, жамоа шартномаларининг бажарилиши, меҳнаткашларнинг иш шароити, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишсизликнинг олдини олиш, меҳнаткашларга манзилли ёрдам кўрсатиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалалари билан янада фаолроқ шуғулланишни ўз фаолиятининг бош мезони қилиб белгилаб олди. Шу мақсадда яқинда Узбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова раҳбарлигидаги масъул ходимлардан иборат гуруҳ мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида хизмат сафарида бўлиб қайтдилар. Сафар чоғида вакилларимиз корхона ва ташкилотларда бўлдилар, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароити билан яқиндан танишдилар,

Мамлакатимизда энг оммавий ташкилот бўлган, ўз сафларида етти миллиондан ортиқ аъзоларни бирлаштирган касаба уюшмалари мустақиллик йилларида ўз фаолиятларининг мазмунини тубдан ўзгартириб, истиқлол талабларидан келиб чиқиб, бу фаолиятини қайта қурмоқдалар.

юзага келган баъзи муаммоларни бартараф этишнинг йул-йўриқлари ҳақида батафсил суҳбатлашдилар. Жумладан, Д.Жаҳонгирова раҳбарлигидаги вакилларимиз Андижон вилоятида бўлганларида, вилоят ҳокими Қобилжон Обидов билан учрашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини белгилаб олдилар. Шундан сўнг «УзДЭУавто» Ўзбекистон Корея қўшма корхонаси фаолияти ва касаба уюшмасининг ишлари билан танишилди, меҳнаткашлар билан суҳбатлар уюштирилди.

Маълумки, касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тасарруфидаги «Марҳамат» санаторийсининг меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида олиб бораётган ишлари ҳам анча ибратлидир. Мазкур сиҳатгоҳни кўздан кечирган вакилларимиз у ердаги ютуқлар билан учрашув ўтказилиб, унда Д.Жаҳонгирова сўзга чиқди. Федерация Кенгашининг раиси касаба уюшмаларининг олдида турган вазифалар, Республикамиз Президенти И.Каримов билан касаба уюшма фаолларининг учрашувида юртбошимиз берган тавсия ва таклифларининг касаба уюшмалари томонидан бажарилиши, жамоа шартномалари ва уларнинг адо этилиши, меҳнаткашларни соғломлаштириш, уларнинг жисмоний, маънавий ва маданий тарбияси масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Федерация Кенгаши раҳбари Наманган вилоятида вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов билан, Фарғона вилоятида эса вилоят ҳокими Нуъмонжон Муминов билан бўлган учрашувларда мазкур вилоятлар меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш борасида олиб борилаётган ишлар, навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашди.

Намангандаги «Кока-кола» ичимлиги ишлаб чиқарувчи корхона, Янгиқўрғон туманидаги «Олтин водий» Узбекистон Швеция, «Намбум» қоғоз ишлаб чиқарувчи Узбекистон Германия қўшма корхоналари, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги «ДЭУтекстайл» қўшма корхонаси, Қувасой шаҳар чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи «Исфайрам» ҳиссадорлик жамияти, «Фарғона» дам олиш уйи жамоаларининг аъзолари билан учрашувлар ўтказилди.

Наманган ва Фарғона вилояти касаба уюшма фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувларда касаба уюшма тузилмаларини такомиллаштириш, тизимни ёш, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларни жой-жойига қўйиш, шунингдек, ҳозирги шароит ва кузги-қишки деҳқончилик ишларини муваффақиятли тугаллаш, ижтимоий суғурта, тизимда адвокатура хизматини ташкил этиш, «Узбекистон Ватаним маним» қўшиқ кўрик- танловида касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ва бошқа кўплаб масалалар тўғрисида батафсил фикр алмашилди. Бундан ташқари, касаба уюшма қўмиталари ташкил этилмаган «ДЭУтекстайл» ва «Кока-кола» каби қўшма корхоналарда уларни тузиш буйича тавсиялар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Учрашувлар сўнгида меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Федерация Кенгашининг вакиллари ҳам, сўзга чиққан меҳнаткашлар ҳам бундай учрашувлар умумий ишимиз учун фойдали бўлишини, касаба уюшмаларининг обру-эътиборининг халқ орасида янада ортишида муҳим бир омил бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Ана шундай учрашувлар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Шавкат ЁҚУБОВ.



Бугунги кунда Наманган вилояти Норин тумани пахта далаларида етиштирилган пахтанинг толаси Италия, Швейцария, Нидерландия, Корея, Россия каби йирик саноат мамлакатларига етиб бормоқда. Бу мамлакатларга ҳозирданоқ янги ҳосилдан ишланган минг тоннадан ортиқ тола жўнатилди. Бу ишлар албатта тумандаги «Норин толаси» деб ном олган пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти орқали йўлга қўйилмоқда.

Суратда: Марказий лаборатория мутахассислари Насиба Бекмирзаева ва Венера Мустафоевалар маҳсулот сифатини аниқламоқдалар.

Ш.АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ХОНИМИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистонга Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтон ташриф буюрди. АҚШ нинг биринчи хоними юртимизда 15 ноябрга қадар меҳмон бўлади

1992 йилнинг 3 ноябрь куни Америка Қўшма Штатлари Демократлар партиясининг номзоди Билл Клинтон АҚШ президентлигига ўтказилган сайловда ғолиб чиққан эди. 1993 йилнинг январида у АҚШнинг 42-президенти сифатида қасамёд қилди ва янги қарорғоҳи — Оқ уйга кўчиб ўтди. У билан бирга Оқ уйга рафиқаси Хиллари, 12 яшар қизи Челси ва Сокс лақабли мушуги ҳам кўчиб кирдилар. Мана, беш йилдирки, Хиллари Клинтон Америка Қўшма Штатларининг биринчи хоними. Ўтган шу йиллар мобайнида унинг нафақат Америкада, балки бутун жаҳонда обруси кўтарилди. Хиллари хоним нуфузининг ортишига унинг қатъий иродаси, чуқур фикрлай олиши ва ўз ишининг устаси бўлган тажрибали ҳуқуқшунослиги сабаб бўлди.

Ҳозирда Хиллари хоним АҚШ даги энг малакали деб топилган 100 нафар ҳуқуқшуноснинг бири саналади. У ўзини АҚШ да оналар ва болаларни муҳофаза қилиш, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишига бағишлаган. Ўзидан аёнки, бундай машаққатли ва масъулиятли вазифани танлаган ва тақдир тақозоси билан улкан мамлакатнинг биринчи хонимига айланган бу аёлнинг ишлари жуда кўп, вақти ниҳоятда тиғиз. Аммо, ҳар қалай, у ҳатто Сокс лақабли мушукчасини эркалашга ҳам вақт топа олади.

Ана шу кучли, иродали, тажрибали ва қувноқ аёл бугун Узбекистонда. У биздан аввал Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлди. Узбекистонда меҳмон бўлгандан сўнг Хиллари хоним Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа республикаларига ҳам ташриф буюриш ниятида. Унинг юртимизга келишидан асосий мақсади — Америка Қўшма Штатларининг марказий Осиёда етакчи ўрин тутган Узбекистон Республикаси билан муносабатларини янада яхшилаш, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш. Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар равнақида Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июнида АҚШ га қилган расмий сафари катта аҳамият касб этгани каби, Президент Клинтон рафиқасининг юртимизга ушбу ташрифи ҳам икки ўртадаги ҳурмат, ишонч ва тушунишни кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хиллари Клинтон хонимнинг Узбекистонга ташрифи воқеа ва учрашувларга бой бўлмоқда. Олий мартабали меҳмонни юртбошимиз Ислом Каримов қабул қилди. Мазкур учрашув чоғида Узбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари кенг муҳокама этилди. Шунингдек, Хиллари хоним республикамиз Олий Мажлисида бўлиб, унинг қўмита ва фракциялари фаолияти билан яқиндан танишди. АҚШ Президентининг рафиқаси Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан учрашди, Тошкент Давлат тиббиёт илмгоҳида ташкил этилган Аёллар реабилитацион марказининг очилиш маросимида иштирок этди. АҚШ нинг биринчи хоними юртимизнинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд ва Бухорони ҳам зиёрат этади.

Хиллари Клинтон хонимнинг юртимизга ташрифи икки буюк давлат — Узбекистон ва Америка Қўшма Штатларини бирбирига янада яқинлаштиришга шубҳа йўқ. Бу халқларимиз дўстлиги ва ўзаро ишончининг ортиб боришига хизмат қилади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ, шарҳловчи

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Польша Республикаси парламенти — Сейм мамлакатнинг янги ҳукуматини тасдиқлади. Эндиликда ҳукуматни Суллар партияси блоки раҳбари Ежи Бузек бошқаради. Мазкур партия блоки Польшанинг ҳозирги президенти Александр Квасьневский партиясининг мухолифи ҳисобланади.

***

Бугун Франция Президенти Жак Ширакнинг Вьетнамга қилган расмий ташрифи ниҳоясига етди. Франция раҳбари Вьетнам Президенти Чан Дик Лонг, мамлакат Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг Бош котиби До Миой ҳамда Бош вазир Фан Ван Кхай билан учрашди. Учрашув ва музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш, Вьетнам иқтисодиётига француз сармояларини жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

***

Европа Иттифоқи Туркияни ўз сафларига қўшиш ниятини билдирди. Бу ҳақда Европа Иттифоқи вакиллари Брюсселда бўлиб ўтган учрашувда маълум қилдилар. Учрашувда иштирок этган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кукнинг айтишича, Европа Иттифоқига Туркия ва Кипр қатори, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

***

Исроил Бош вазири Бенъямин Нетанъяху Урдун дарёсининг ғарбий соҳилида яҳудийлар учун турар жойлар қуриш давом эттирилишини қатъий таъкидламоқда. У ўзи бошқараётган Likud партияси съездида сўзга чиқиб, Исроил Фаластин билан тинчлик музокараларини олиб боришга тайёрлигини, бироқ бунинг учун араб ерларида яҳудийлар учун турар жойлар қуриляпти давом эттирилиши лозимлигини айтган.

***

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг Японияга қилган расмий ташрифи давом этмоқда. У япон раҳбарияти билан Шарқий Хитой денгизидаги Сенкаку ороли билан боғлиқ муаммоларни ҳам муҳокама этмоқда. Маълумки, ушбу оролга Хитой ҳам, Япония ҳам даъвогарлик қилмоқдалар.

***

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн ўзининг Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарини бекор қилди. Уильям Коэн буни Ироқ билан БМТ ўртасидаги можаронинг кучайиб бораётгани билан изоҳлади. Унинг айтишича, БМТ ва Ироқ ўртасидаги келишмовчиликлар ҳал бўлмагунча у Вашингтондан кета олмайди. Бу орада, АҚШ ҳарбий кемалари Ироққа қарши қуролли тазйиқ ўтказиш лозим бўлиб қолиш эҳтимоли туғилганда жадал ҳаракат қилиш учун тайёр ҳолатга келтириб қўйилди.

***

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Босния ва Герцеговинадаги ягона давлат маҳкамаларини юзага келтириш жуда сусткашлик билан амалга оширилаётганини қаттиқ танқид қилдилар. Бу ерда қочоқларни ватанларига қайтариш ва маҳаллий ҳокимият идоралари учун сайловлар ўтказиш ёмон йўлга қўйилган. Европа Иттифоқи давлатлари ташқи ишлар вазирлари Босния ва Герцеговина раҳбариятини бу соҳаларда самаралироқ ҳаракат қилишга чақирдилар.

***

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр молия вазири Гордон Браун томонидан илгари сурилган мамлакатнинг ягона Европа валюта иттифоқига қўшилиши лозимлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Тони Блэрнинг фикрича, ягона евровалютага ўтиш Европа учун тараққиёт дебочаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Буюк Британия евровалюта ғоясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди.

Касабақўм: Бугун у қандай бўлиши керак?

МАВҚЕ БОЙ БЕРИЛГАНМИ?

Ёшлар келажагимиз ворислари. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор кучли. Ёшлар манфаатларини ифодаловчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларни жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлишлари борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар тарбияси бевосита касаба уюшма ташкилотлари диққат марказида турибди. Айниқса қишлоқ ёшлари ҳаётини, уларга яратилаётган шарт-шароит кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир. Ҳўш бу масала қандай ечимини топаётир? Биз Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши инсонпарварлик муаммолари ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Валерий Қиличев. — Аммо ишлар олга жилмаяпти.

Вилоятдаги хўжаликларда 38 та клуб, 33 та кутубхона бор. Айни пайтда 52 та кино қурилма ишлаб турибди. Тармоқда 800 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Касаба уюшмалари ихтиёридаги кутубхоналарда 131 минг нусха адабиёт мавжуд. Аммо кўпи эскириб қолган. Маблағ танқислиги маданий-маърифий муассасалар ишларини ортга тортмоқда. Устигаустак касабақўм раисларининг ожизлиги раҳбар олдидаги мавқеини бой берганлиги ҳам ишда бурилиш ясашга имкон бермаяпти.

Вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти эса қишлоқларда ишлашади. Юқоридаги манзарадан ҳам куриниб турибдики, қишлоқ ёшлари бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари имкони саба уюшмаси қўмитасига қарашли клуб ва кутубхоналар замон талабидан ортда қолмоқда. Уларни етарлича маблағ билан таъминлашга жойларда панжа орасидан қараб келинмоқда.

— Қишлоқ маданият муассасалари аҳволи бир неча бор раёсат йиғилишида кўриб чиқилди, — дейди касаба уюшмалари вилоят кенгаши инсонпарварлик муаммолари ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Валерий Қиличев. — Аммо ишлар олга жилмаяпти.

Вилоятдаги хўжаликларда 38 та клуб, 33 та кутубхона бор. Айни пайтда 52 та кино қурилма ишлаб турибди. Тармоқда 800 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Касаба уюшмалари ихтиёридаги кутубхоналарда 131 минг нусха адабиёт мавжуд. Аммо кўпи эскириб қолган. Маблағ танқислиги маданий-маърифий муассасалар ишларини ортга тортмоқда. Устигаустак касабақўм раисларининг ожизлиги раҳбар олдидаги мавқеини бой берганлиги ҳам ишда бурилиш ясашга имкон бермаяпти.

Вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти эса қишлоқларда ишлашади. Юқоридаги манзарадан ҳам куриниб турибдики, қишлоқ ёшлари бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари имкони яратилмаган. Бекорчилик боис ёшлар ўртасида жиноятчилик, безорилик, ичкиликка ружу қўйиш каби иллатлар кўпайиб бормоқда. Мана бир оддий мисол. «Оқ олтин» туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги клуби ун йилдан буён таъмирланмайди. Бу масала бир неча бор йиғилишларда муҳокама этилди. Матбуотда танқид қилинди. Аммо натижа йўқ. Хўжалик касаба уюшма ташкилотида эса на ташаббус, на бир ҳаракат бор. «Бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури» қабилида иш юритиб келинмоқда.

Бўлим томонидан талаба ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳам ўрганилиб, умумлаштирилди. Чора-тадбирлар белгиланди. Лекин изчиллик етишмайди. Белгиланган тадбирларни бажаришда касаба ташкилотлари ўрни сезилмаяпти. Улар маъмуриятнинг эътиборидан тушиб қолган. Чунончи, Гулистон Давлат университети талаба ёшлар ётоқхонасидаги аҳвол бунга мисол бўла олади. 1200 ўринли 2 та ётоқхонада жиҳоз ва ускуналар ниҳоятда эскириб кетган. Шкаф, стол, стуллар, кроват ва тумбочкалар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Юқори қаватлардаги хоналар балконлари ўрнига тўсиқлар ўрнатилиб, хавфсизлик таъминланмаган. Ётоқхонада яшовчилар учун кириш-чиқиш рухсатномаси белгиланмаган. Кўпгина талабалар хонаси, овқат пиширш бўлинмаларида резетка ва патронларнинг қопламаси йўқ. Ёритиш тармоқлари ночор. Кўрпа-ёстиқ жилдлари ва чойшабларни алмаштириш вақти белгиланмаган. Шу боис ҳам 1200 ўринли ётоқхонада яшовчилар сони 180 нафардан ошмаяпти. Юқоридаги ҳолат юзасидан университет маъмурияти бир неча бор расмий огоҳлантирилган. Касаба уюшма ташкилоти эса томошабин бўлиб қолмоқда.

— Ўтган муддат давомида раёсат йиғилишига ёшлар ҳуқуқлари ва муаммоларига доир иккита масала киритдик, — дейди В. Қиличев. — Аммо жойларда унинг акс-садоси сезиларли эмас.

Дарҳақиқат бугунги кунда айрим касаба уюшма ташкилотлари вазифаларига масъулият билан ёндошмаяптилар. Ёшлар тарбиясидек муҳим масалани маблағ йўқ, баҳонасида четлаб ўтмоқдалар. Муаммоларни кескин ҳал этиш ўрнига сусткашлик қилмоқдалар. Хўжалик касаба уюшма ташкилотларининг ночорлиги, маъмуриятнинг уларга тегишли шарт-шароитни яратиб бермаётганлигини оқлаб бўлмайди, албатта. Лекин «олма пиш, оғзимга туш» дейдиган даврмас. Эндиликда ҳар бир касабақўм ўз ўрнини топишга интилмоғи зарур. Акс ҳолда тадбирлар фақат қоғозларда қолиб кетаверади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч» мақолалари изидан

«ЛОЛА»ДА ЎНГЛАНИШ БЎЛАДИМИ?»

«Ишонч» газетасининг шу йил 21 августдаги «Лола» да ўнгланиш бўладими?» мақоласи вилоят ҳокимлигида муҳокама қилинди. Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш буйича «Лола» ишлаб чиқариш жамияти бир қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, янги ўқув йили олдидан мактаб ёшидаги қизлар учун махсус кийим нусхаси ва аёллар учун янги либослар тикилиб, сотувга чиқарилди. Аҳоли буюртмаси билан ишлайдиган янги цех ишга туширилди. Ишчиларга август ойи учун иш ҳақи ҳам берилди. Йилнинг учинчи чорагида 3 нафар ишчига санаторийда даволанишлари учун бепул йўлланма берилди. Ўтган йил якунлари буйича ҳар бир акция учун 149 сумдан устама фоиз белгиланди.

Ҳозирги кунда «Лола» ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий аҳволини ва юзага келган бошқа қийинчиликларини бартараф этиш мақсадида амалий тадбирлар кўрилди. Чунончи, дебитор қарзларни ундириш, 2 та филиал биноларини сотишга қўйиш, болалар ва аёллар кийимларини кўпроқ ишлаб чиқариш, омбордаги тайёр маҳсулотларни сотиб, пулини тушириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳ.ЯНГИБОЕВ, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари.

«Ишонч»да босилмаса ҳам

МЕҲНАТ ҲАҚИ БЕРИЛДИ

Таҳририятимизга Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси Гулчеҳра Искандарова меҳнат ҳақини вақтида олмаётгани хусусида шикоят хати йўллаган эди.

Мазкур шикоят хат юзасидан Қўшкўпир туман ҳокими У.АБДУЛЛАЕВДАН қуйидаги жавоб хати олдик:

«Текширишда аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам муаллиф мурожаат қилган вақтда хўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақамида пул бўлмаган. Шу сабабли Г.Искандаровага зарур пулни топиб бера олишмаган. Шикоятчининг меҳнат ҳақи пулларн тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб берилган. Вафот этган қизининг дафн харажатлари жамоа хўжалиги ҳисобидан қилинган.

Хўжалик раҳбарлари, хусусан бош ҳисобчи арзчини ҳақорат қилганини тасдиқлаб бўлмади. Шундай бўлса ҳам улар одамлар билан хушмуомалада бўлишлари тўғрисида огоҳлантирилдилар».

Иқтисодиёт таянчлари

ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Самарқанддан 12 чақирим шарқда, Фарҳод қўрғонида қад ростлаган янги фабрика нафақат Марказий Осиёда, балки «БАТ» тизимидаги энг яхши корхоналардан биридир. Қурилишга раҳбарлик қилган Ника Марки ҳам буни таъкидлади. Ника Марки 20 йилдан буён «БАТ» корхонаси турли мамлакатларда тикланаётган турдош корхоналар қурилишида иштирок этиб келмоқда.

25 гектар майдонни эгаллаган ишлаб чиқариш майдони 35 минг кв метр бўлган корхона қурилиши бир ярим йилда ниҳоясига етди. Қурилишни Буюк Британиянинг «Джон Лейнг Интернейшнл» ва Туркиянинг «Алсим АЛАРКО» компаниялари амалга оширишди. Қурилиш анжомлари ва ускуналар Европа мамлакатлари ҳамда Туркиядан олиб келинди. Бу мақсадларга 110 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ маблағ сарфланди.

Ҳозирги пайтда корхона йилига 7-10 миллиард дона сигарет ишлаб чиқарадиган даражадаги қувват билан ишлаяпти. Келгусида эса унинг қуввати йилига 30 миллиард донага етади. Илгари «УзБАТАО» деб аталган, эндиликда «Бритиш Американ Тобакко Узбекистон» деб номланган корхона тамғаси билан чиқарилаётган «Саратон»,«Хон», «Голливуд» сигареталари айни вақтда ички бозорга йўналтирилган. Кейинчалик жаҳон бозорига йўл очиш режалаштирилмоқда.

Фарҳод қўрғонида улкан корхонанинг ишга туширилиши яна бир жиҳати билан аҳамиятлидир. Шу туфайли қўшимча иш ўринлари яратилди. Қуплаб одамлар доимий ишга эга бўлдилар. Ҳозирнинг ўзида корхонада минга яқин киши ишламоқда. Корхона Фарҳод қўрғонидаги кўпгина ижтимоий масалаларнинг ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

Фикримизча, эришилган натижаларни холисона баҳолаш учун республикамиз тамаки саноатининг қўшма корхонанинг тарихига назар ташлаш фойдадан ҳоли эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашларича шўролар салтанати емирилган йилларда ускуналарнинг эскириши, тамакичиликка эътиборнинг пасайиши оқибатида Узбекистон тамаки корхоналари маҳсулоти бозори бир қадар

касодга учради. Асосий истеъмолчи Россия эди. Бу аҳволда тармоқни ривожлантириб бўлмасди.

Узбекистон ҳукумати 1994 йил 22 ноябрда «БАТ» компанияси билан қўшма корхона тузиш ҳақида битим имзолади. Ўша кун соҳа учун туб бурилиш нуқтаси бўлди. «БАТ Индастриз» компанияси Республикамиз тамаки корхоналарини замонавий даражага кутариш мажбуриятини олди. Мақсадга эришилди, десак янглишмаймиз. Мавжуд корхоналарда қайта жиҳозлаш, технологияни янгилаш, янги корхоналар қуриш, тамаки хом ашё сифатини яхшилашга ўтган даврда 232 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя жалб этилди.

Ургут тамаки фабрикасида катта ўзгаришга эришилди. Бу ерда Американинг «Мак Тавиш» фирмасининг ускуналари ўрнатилди. Натижада бир йилда 15 минг тонна тамакини ферментлаш имкони яратилди. Бунинг учун 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси узлаштирилди.

Саноат тараққиёти шубҳасиз, хомашё заҳирасига боғлиқ. «Бритиш Американ Тобакко Узбекистон» қўшма корхонаси тамаки баргини ургутлик фермерлардан сотиб олмоқда. Шу билан бирга тамаки хомашёси сифатини яхшилаш ниятида фермерларга қўмак бераяпти. Масалан, ўзаро шартномага кўра фермерларга бўнак (аванс) тўланмоқда. Иқлим ва ер шароитига мос келадиган тамаки навлари тавсия этиляпти. Ҳозирга қадар етиштириб келинаётган тамаки навлари соҳани халқаро андозалар даражасига кўтаришга имкон бермайди. Шу боис фермерлар билан биргаликда тамакининг янги «Дюбек-44» ва чет элда кўп етиштириладиган «Измир» навлари синаб кўрилмоқда. Бу йил бир неча гектар ерга экилган. «Измир» навининг афзалликлари кўп. Хусусан, бу нав маҳсулот учун жаҳон бозорида бошқаларга нисбатан 3 баробар зиёд ҳақ тўланади. Нав сувсизликка чидамли, етиштириш таннархи арзон. Демак, деҳқонлар учун фойдали. «Измир» нави тажриба тариқасида Пойариқ туман далаларида ҳам етиштирилмоқда. Қўшма корхона бош директори Питер Тейлорнинг айтишича, тамаки саноатининг ривожланиши деҳқонга ҳам, республика саноатига ҳам фойдалидир.

Қўшма корхонада меҳнаткаш инсон қадри баланд. Касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси бўйича назарда тутилган барча бандлар тўлиқ бажарилмоқда. Иш жойдаги шароит энг юқори талабларга мос келади. Цехлар кенг, ёруғ, ҳавоси махсус кондиционерлар ёрдамида тозаланади. Намлик даражаси доимий назоратда. Ускуналар электрон тизим орқали бошқарилади.

Республикамиз иқтисодий ислоҳотларида, чет эл сармояларини жалб этишда биринчи қалдирғочлардан ҳисобланган «Бритиш Амеркан Тобакко Узбекистон» қўшма корхонасининг парвози тобора юксалмоқда. Корхона нафақат иқтисодиёт тараққиётига, балки ободончилик, хайрия, маънавият ишларида ҳам ибрат кўрсатяпти. Янги корхона ишга тушган куни тантаналарда қўшма корхоналар раҳбарлари томонидан хаттот ибн Ҳаравийнинг «Ислом анъаналари» тарихий китоби юртимизга қайтарилиши фикримизнг далилидир. Бундай улуғ ва эзгу ишларнинг самараси асрларга татийди албатта.

Суратда: «Бритиш Американ Тобакко Узбекистон» компанияси раиси Ультрих Хёртер инглиз музей кутубхонасидан келтирилган хаттот ибн Ҳаравийнинг «Ислом анъаналари» китобини Республика Бош вазири У.Султоновга топширмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари ҳаёти

КОМПЬЮТЕРЛАР ЎРНАТИЛДИ

Бугунги ҳамсуҳбатимиз нафақат Қорақалпоғистон Республикасида балки мамлакатимизда таниқли инсонлардан биридир. У киши қарийб 40 йилдан буён Қорақалпоғистон маданияти, санъати ривожига катта ҳисса қўшган Байрам Матчоновдир. Унинг бу хизматлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон Республикалари халқ артисти унвонлари берилган.

Мана икки йилдирки, Б.Матчонов Қорақалпоғистон Республикаси маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига етакчилик қилиб келаётир.

Қисқа муддатда мазкур қўмита ва унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятида кескин ўзгаришлар юз берди.

Биз Байрам МАТЧОНОВ билан суҳбатлашдик.

- Сизнингча ҳозирги кунда қўмита олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

- Мамлакатимиз мустақилликка эришган 6 йилда барча соҳа ва тармоқларда булгани каби, маънавият ва маърифатда туб ўзгаришлар юз берди. Маданий-маърифий ишлар бурилиш даврини бошдан кечирди. Миллий қадриятлар тикланди. Диний эркинлик учун кенг йўл очилди. Бу борада маданият ходимларининг ҳам муҳим ҳиссалари бор эканлигини алоҳида таъкидлаш, оддий бир санъаткор сифатида ниҳоятда ёқимлидир. Амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилсак, бозор муносабатларига ўтиш даврининг мураккаблигларига қарамасдан миллий маданиятимизни муддат билан қайта тиклаяпмиз. Бу борада қўмитамиз ва унинг жойлардаги юздан ортиқ бошланғич ташкилотлари олиб борган оммавий ташкилий ишлар уз самарасини бермоқда. Бизнинг бугунги асосий вазифамиз меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, техника ҳавфсизлигини таъминлашда корхона, ҳамда хўжалик раҳбаридан амалдаги қонунларга қатъий риоя қилишни касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлар доирасида талаб қилишдан иборатдир. Йилнинг ўтган даврида ишловчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, маданий- оммавий, жисмоний тарбия - спортни ривожлантириш бўйича ишлар тадбирлар ўтказилди. Бу борада Турткул , Қўнғирот, Элликқалъа, Амударё, Беруний туманлари Тахиатош шаҳри касаба уюшма қўмиталари намуна бўлишди.

- Юртбошимиз ташаббуси билан «1997 йил инсон манфаатлари» йили деб эълон қилинган. Йилнинг ҳам мана шу ўн бир ойи ўтиб бораяпти. «Инсон манфаатлари йили»нинг ўтган даврига якун ясасангиз.

- Маълумки, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида «Инсон манфаатлари йили»да олдимизда турган вазифага яна ҳам теранроқ ҳолда иш юритишга интилдик. Биз асосий эътиборни инсоннинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини таъминлаш мақсадида бор имкониятларни ишга солдик.

Фикримнинг исботи сифатида айрим мисолларга мурожаат қилмоқчиман. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси фаолиятини ўргандик ва асосий ёрдам кўрсатдик. Чунки, бу соҳа ходимлари бошқа касбкор эгаларига нисбатан анча мураккаб шароитларда меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам қўмитага қарашли барча корхона, муассаса ва ташкилотларда инсон манфаатини муҳофаза қилишга катта эътибор берилди. Соҳа ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида берилиши таъминланди. Босмахоналар атрофларини ободонлаштириш, қўкламзорлаштириш бўйича катта қўламдаги ишлар бажарилди. Сўнгги пайтда қўрғошин билан иш олиб борувчи ҳарф терувчи цехларнинг бир қисми компьютерлаштирилди. Айниқса Нукус Матбаа комбинати касаба уюшмаси бу ерда меҳнат қилувчиларга етарли шароитлар яратишда бошқа турдош корхоналарга ўрнак бўлаётир. Бу ерда меҳнат қилувчи 300 дан ортиқ ишловчилар ҳар ойда махсус тиббий кўрикдан ўтказилиб турилади. Лозим топилганда малакали тиббиёт ходимлари даволаш курсларини олиб борадилар. Комбинатда меҳнат қилувчилар учун дам олиш оналари ташкил қилинган. Айниқса, болалик оналарга ғамхўрлик кўрсатиш ўзининг яхши натижасини бермоқда. Фахрийларга, комбинат ходимларининг фарзандларига дам олиш уйлари, болалар оромгоҳларига йўлланмалар бепул берилади.

Матбуот давлат қўмитасига қарашли туманларда 10 та босмахонада ҳам ишловчиларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиш йўлида изчил иш олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда Қорақалпоғистон маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашлар манфаатларини муҳофаза қилиш йўлида бутун куч-ғайратини сарфлайди.

Суҳбатдош АБДУ РАҲМОН.

СОҲИБҚИРОН ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Мамлакатимиз ҳаётида руй бераётган ҳар бир воқеа оддийгина тарих бўлиб қолмай, ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, кейинги пайтларда республикамиз тарихи ва маданиятига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда Амир Темур фаолиятига боғлиқ жуда кўпгина талбирлар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг 10 ноябрь куни Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик олийгоҳи ҳамкорлигида «Амир Темур ва инсон манфаатлари» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда бир қанча таниқли шарқшунос олимлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар қатнашдилар.

Анжуманни Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раиси таниқли тарихчи олим, академик Бурибой Аҳмедов кириш сўзи билан очдилар.

Йиғилишда ўқилган Амир Темур фаолиятига доир «Узбекистонда миллий давлатчиликнинг тикланиши ва ривожланиши», «Темурийлар давлатида адолат меъёрлари»,«Амир Темурнинг 1399 йилдаги Султонияга сафари»,«Темурийлар даврида Чағониён» деган мавзудаги маърузалар йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, хорижий олимларнинг бу анжумандаги иштироклари алоҳида диққатга сазовордир. Жумладан, Мисрлик олим, тадқиқотчи Доктор Шибли Иброҳим «Темур ва Темурийлар давридаги эпиграфик ёзувлар»га доир ўтказган тадқиқот ишлари, Ҳиндистонлик олим Қамар Раис «Бобурийларнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни» ҳақидаги маърузалари билан қимматли маълумотларни анжуман қатнашчиларига етказдилар.

- Бу анжуман бизда ва бошқа меҳмонларда катта таассурот қолдирди, — дейди жамғарма раиси муовини, таниқли шарқшунос олим Убайдулло ака Уватов.

- Амир Темур Хайрия жамғармаси раҳномалигида анжуманда ўқилган маруза, мақолалар, илмий ишларни тўплаб нашр этмоқчимиз. Биз бундан буёғига «Амир Темур сабоқлари» рукни остида ҳар йили мавзу жиҳатидан рангбаранг бўлган анжуманларни ўтказиб боришни режалаштирганмиз, шунингдек, юқорида таъкидланганидек анжуман иштирокчиларининг маърузалари асосида китоб нашр қилишни ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Б.СУЛТОНОВА.

1997 йил — инсон манфаатлари йили

ТОҒЛАРДА БАРАКА БОР

Дунёда бировнинг қўлига қарагандан ёмони йўқ. Дунёда ҳалолдан ризқланиб, ҳалол луқма учун тер тўкиб, шу йўлда ҳориб-чарчаб, тўшакда тош қотиб ухлашдан яхшироғи ва савоблироғи ҳам йўқ. Бу теран ҳикматни кашф этиб яшаётганлар бор ва қувонаётганимиз шундаки, уларнинг сафи бугунги кунда тобора кенгайиб бораётир. Ҳалол луқма излаб ва истаб йўлга чиққанларга ғайрат-ҳиммат муборак бўлсин!

Бугун Олтинсой туманининг тоғли ғўшаларига борсангиз, ажаб ҳолатларга рўбару бўласиз. Бир неча йил аввалги иккиланиш, саросима, таҳликали қарашлар, ташвишли гурунглар йўқ. Улар анча вазмин топганлар, гап-сўзлари тетик.

Эрк, истиқлол шамолининг тоғларда ҳам ҳушбўй эсганига бир далил шуки, одамлар ёлғиз қорин уст-бош учун эмас, балки Ватаннинг иқболи, насллар келажаги учун яшашни қадамба-қадам англаб бормоқдалар.

Агар бугун тоғли қишлоқларга борсангиз, одамлар билан суҳбатлашсангиз, уйида қўноқ бўлсангиз, рўзғорларига қут-барака кирганига гувоҳ бўласиз. Қайси бир хонадонга борманг, хох у ўзига тўқ бўлсин, ҳоҳ қўли калтароқ бўлсин барибир олдингизга баракали дастурхон ёзади.

Айтишларича, Бодиҳаводаги кўпгина хонадонларда қўш ҳўкиз, омоч бўйинтуруқ бор экан. Инчунун, Катта Вахшивор, Чинор, Оқсув, Ҳовуз, Бештахта каби тоғ қишлоқларидаги айрим одамларда ҳам қўш ҳўкиз ва қўш бор. Хуллас бугунги тоғликлар дуконга қачон ёғ келади, қачон ун келаркин деган хаёл билан яшайдиган дамлардан аллақачон ўтиб кетишди.

Тоғли қишлоқларда ҳатто 3 тоннагача зиғир олган деҳқонлар бор экан. Агар бир центнер зиғирдан 33 кило ёғ чиқишини ҳисобга оладиган бўлсак, уч тонна зиғирнинг қанча бойлик эканлигини англаса бўлади.

Бу йил ерга дон сочиб қуруқ қолган одам бўлмади. Ҳамма насибасига яраша олди.

Бу йил асосан узумчилик билан шуғулланадиган тоғликлар учун янада баракалироқ кечди. Биринчидан ҳосил жуда мўл бўлди. Иккинчидан эса майиз солинган пайтда ҳавода намгарчилик бўлмади. Майиз қилганлар беармон қуритиб олдилар. Одамларнинг аксарияти беш центнердан то бир тоннага

қадар майиз олишди. Агар майизнинг бир килоси Денов бозорида камида юз сўмдан сотилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, даромаднинг ёмон бўлмаганини сезамиз. Ҳали биз бу ерда қишки олмалар, ноклар, ёнғоқ, хурмони айтмаяпмиз.

Яна бир нарсаки, тоғликлар картошка экиб, кутилгандан кўра ҳам кўпроқ натижага эришмайди, исрофга ҳам чиқмайди. Мазаси эса... гапнинг тўғриси, Сиз балки ҳалига қадар бундай картошкани тановвул қилиб ҳам кўрмагандирсиз!

Ана энди Сиз майиз, ёнғоқ, олма, нок, хурмо, бўғдой, зиғир, картошка, қовун-тарвуз, помидор ва бошқа деҳқончиликлардан мўл ҳосил олиб қишга рўбару турган тоғликларнинг кайфиятини бир тасаввур қилиб кўринг-чи! Ёмон эмас-а! Ана шундай.

Албатта, қут-барака ўз-ўзидан бўлмаслигини ҳаммамиз бўлмасак-да, кўпчилигимиз яхши биламиз. Меҳнат бўлса, инсоф бўлса қут-барака бўлади. Янаям Оллоҳ берса қут-барака бўлади. Тоғликлар бугун шу ҳақиқатни англаб етмоқдаларки, бу катта гапдир.

Бугун узун кунни телевизор, видео қошида ёки ароқхўрлик устида кеч қилаётган, умрнинг баракасини учираётган тоғликларни кам кўрасиз. Бугун фойдасиз ғийбатларга вақтни ураб ўтказаётган тоғликларни ҳам кам учратасиз. Бугун — асосан меҳнат қилаётган тоғликларни кўрасиз. Тоғликлар — бировга қарам бўлишни ёмон кўрадиган халқ, текинтомоқни кўрса, ғижинадиган халқ. Тоғликлар ориятли халқ. Улар ҳалол луқмадан бошқасини тан олмайдилар.

* * *

Биз тоғ қишлоқларида бир неча кун сафар қилган чоғимизда бир нарсадан кўп қувондик, мутаассир бўлдик. Яъни тоғларда ҳали инсоф, диёнат, ҳалоллик кўп экан. Бунга бир мисол: катта Вахшивор қишлоғи этагида ҳафтанинг ҳар жума куни эрталабдан чошгоҳга қадар бозор бўлади. Буни тоғликлар жума бозори деб атайдилар. Бу ерга тонгдан тоғ қишлоқларидан от-эшакда, трактор-машинада, айримлар эса пиёда бамисоли оқиб кела бошлайдилар. Оз фурсат бозор бўлади, лекин қизиқ ва қизғин бозор бўлади. Нимаки олсангиз арзон ва баракали бўлади. Бу ерда майда-катта мол ҳам дон ҳам, латтапутта ҳам, темирчининг ясаган буюмлари ҳам, мева-чева, полиз маҳсулотлари ҳам сотилади.

Жума бозорида йигирма килолик осма тарозилардан фойдаланишади. Учта чўпнинг бошини боғлаб, тарозини шунга осиб қўйишган. Термиз шаҳри бозорларидаги «хийла» тарозилар у ерда йўқ ёки бўлса ҳам биз учратмадик. Октябрь ойининг ўрталари эди. Ҳар бири шокосадек келадиган помидорларнинг килоси ўн, ўн икки сўм, Керагатоғ бағри этакларидаги унумли ерларда биттан сара картошкаларнинг килоси 25—30 сўмдан эди. Бозордан қуруқ қайтмайин деб, йигирма кило помидор олдим. Иккита катта челакка базўр жойлаб олдик. Ҳолбуки Термиз шаҳар бозорларида бунча помидорни сотувчилар индамай 25—30 кило «чиқаришади». Сунгра йигирма кило картошка ҳам олдим. Йигирма килонинг бу қадар оғир бўлишини гапнинг очиғи, шунда билдим.

Жума бозордаги одамлар нега тарозидан уриб қолишмайди? Беш-ўн граммдан уриб қолишса, зарар қилмайди-ку, деб ўйларсиз. Шу мулоҳазаларни айтганимда, Катта Вахшивор қишлоғи тепасидаги «Мироб» лагери бошлиғи Ашур Пардаев шундай жавоб қилди:

— Ака, биласизми нима, бизнинг одамлар, тоғликлар тарозидан ўлгудек қўрқадилар. Балки зўрлик қилишар, балки шумлик қилишар, лекин тарозига нарса тортиб, бировнинг ҳақидан заррача ҳам уриб қололмайдилар. Тарозидан урган одам Яратганнинг ҳузурида қилган иши учун қай юз билан жавоб беради, ака?! Бир нарса харид қилинг-у тарозининг кўрсатгичига қараманг. Уйга боргач, агар ишонмасангиз, яна ўлчаб кўринг — олган нарсангиз аниқ чиқади.

Дарҳақиқат, Ашурбой тўғри гапларни айтаётган эди. Агар бизнинг бу гапларимизга шубҳангиз бўлса, Оллоҳнинг улуғ куни — жума куни Катта Вахшивор қишлоғи этагида бўладиган Жума бозорга бир боринг. Айтганларимизни кўрасиз ва ишонч ҳосил қиласиз. Ана шу ерда Сиз инсоф ва бараканинг бир бўлиб турганини кўрасиз.

* * *

Йўқ, бундан аввал сиз агар имкон топсангиз, Олтинсойнинг тоғли қишлоқларига боринг. У ерда Сиз барака энган ғўшаларни, барака юртига бораётган меҳнаткаш ва инсофли одамларни кўрасиз.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.

Касаба ҳаёти янгиликлари

КУН ТАРТИБИДА — СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Мустақил республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг муҳим палласига кириб бормоқда. Мана шундай шароитда меҳнаткашларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласи ҳам касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада касаба уюшмалари Хоразм вилоят кенгашида ҳам анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Шу йил бошидан буён вилоят меҳнаткашларидан 4600 дан зиёд киши турли сиҳатгоҳларда дам олишлари учун имтиёзли йўлланма билан таъминланди. 500 дан зиёд ишчи-хизматчи санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари 1000 дан зиёд кишиларнинг пархез таомлар билан овқатланишлари таъминланди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, Чернобиль фожеаси қатнашчилари ҳамда камтаъминланган оилаларга 20 фоизли имтиёзли йўлланмалар тарқатилди.

«МЕҲРИБОНЛИК» ЖАМҒАРМАСИ

Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар қўмитасида «Меҳрибонлик» жамғармаси тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин озгина вақт мобайнида кўпгина касаба аъзоларининг оғирини енгил қилди.

Жамғарманинг низомига кўра касаба аъзолари ихтиёрий равишда ҳар ойда ойлик маошларининг 1 фоизи миқдорини жамғарма хисобига ўтказадилар. Йил давомида мазкур жамғарма хисобидан 9 нафар уруш қатнашчисига ҳамда 32 нафар тиббиёт ходимига моддий ёрдам кўрсатилди.

Н. РАФИҚОВ

Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон» қурилиш бошқармасига қарашли 4-автокорхона ишчи-хизматчилари кончиларни иш жойларига элтиб қўйиш, керакли юкларни қурилиш иншоотларига етказиб беришда жонбозлик қилмоқдалар.

Суратда: (чапдан) автотранспортчилардан Расул Ғафуров, Эдуард Кадинов, Валия Волехина ва Ибодулло Шамсиевлар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ИСТИҚБОЛНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Миллий Дастур, миллий кадр, миллий маънавият ҳақида ўйлар

Мунозара, мулоҳаза, таклифлар

Мақолага қўйилган сарлавҳадан мавзунинг мураккаблиги, аммо айни кунларда ҳаммамизнинг диққат-эътиборида турган, шу билан бирга бугун-эрта эмас, узоқни - бутун келажагимизни ўйлаб яшашни ҳар бир онгли шахсдан талаб қилиб турган муаммолар кўз ўнгимизда гавдаланиши аниқ. Зеро, уч сўз ёки ибора билан аталган мавзунинг гарчи ҳар бири ўзига хос маъноларни билдирсада, уларни бир нуқта ҳамиша бирлаштириб туради. Бу умумий нуқтани бизга қолса Миллий ифтихор ва Узликни англаш деб атардик. Негаки, ўз миллий мустақиллигига, ўз эл-юрти, ер-суви, табиий бойлиги-ю миллий давлат тузумига эга бўлмаган бирор мамлакат миллий дастур, миллий кадр, миллий маънавият ҳақида сўз очолмайди, қонунлар қабул қилолмайди, кенг кўламда булар ҳақида эркин фикр юрита олмайди...

Тўғри, собиқ СССРга қарам бўлганимиз - машъум етмиш йил давомида биз тилга олган сўз, иборалар минглаб, миллионлаб марталар ахборот воситаларида, йиғинларда тилга олинган, ёзилган, чизилган, улар ҳақида, бир сўз билан айтилса, жар солинган... Аммо, минг афсуски, айтилган, ёзилган жар солинган гапларнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Октябрь тўнтариши айни ўша-устига ишра сурилган, асли ичи тўла заҳардан иборат шиорлар соясида амалга ошган, қўпчиликни чалғитган, алдаган, эргаштирган эди.

Бироқ, орадан кўп ўтмай, ҳар бир халқнинг энг зукко, энг илғор, юксак онг ва идрокли сиймолари бундай аллам-қалламчиликни пайқаган, аввал унинг қуруқ ваъдаларига ишониб ёқлаб турганлар ҳам кўп ўтмай, унга қарши чиқдилар, баъзан танқидий қарашларини ахборот воситаларида дадил эълон қилдилар. Чунки Шўроларнинг етакчилари - матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, миллий мактаблар очиш, ҳар миллатни ўз она тилида ўқитиш ва бошқа-бошқа миллий озодликлар ҳақидаги энг жозибали, кишилар кўнглини кўтарадиган, тили учида туриб айтолмаётган гаплар билан майдонга чиққан эди! Жумладан, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхужа Беҳбудий, Абдулла Қодирий сингари буюкларимиз - ўзимиздан миллий кадрлар етиштириш муаммосини - XX аср бошларидан то 30-йилларгача неча марта кўтариб чиққанларини санаб тугатиш қийин.

Ашё - назаримиз олгучи кўзгу.
Аммо зикри эртак тингламоқдир бу.

Барчаси инсондан қочирар узоқ
Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку.
Мирзо БЕДИЛ.

Нега дейсизми? Чунки бу номлари тилга олинган даҳоларимиз - жаҳондаги бирор миллат, шу жумладан, ўша вақтларда бизга ҳукмронлик қилиб турган ўрис миллатига ҳам заррача ҳурматсизлик қилмаган бир ҳолатда - ўзимиздан, айни Туркистондан миллий кадрлар етиштириб чиқариш-бизнинг келажакдаги тақдиримиз учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини чуқур англаб етганлар, бу фикрни неча хил шаклларда гоҳ миллий-назарий, гоҳ бадиий, гоҳ публицистик асарларида ғоят катта жасорат ва билимдонлик билан, чуқур назарий заминларда ифодалаб ўтганлар. Зеро, ўзбекнинг дардини ўзбек, қозоқнинг дардини қозоқ, туркманнинг дардини туркман, хуллас ҳар бир миллатни бошқалардан кўра ўша миллат вакили яхши тушунади деб қараганлар. Худди шу қараш негизида - давлатлар, миллатлар тақдирини таҳлил этганлар.

Зеро, миллий дастурнинг юзага келиш жараёнларининг илдизлари ўз-ўзидан узоқ тарихларга бориб тақалади. Ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳатто гоҳо бизга тўсатдан рўй бергандек туюладиганлари ҳам, аслида чуқур заминга эга бўладики, биз уларни ҳамиша ҳам тезда илғаб ололмаймиз, уни топиш, тушуниш, англаб етиш учун изланиш, тарихий илдизларни кўра билиш талаб қилинади ва шундагина-эришилган зафар қадрига кўпроқ етилади...

Беҳбудийдан қолган маънавий мероса назар ташласак, ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар сероблигига мафтун бўламиз. Мана шулардан биргина далил келтирайлик-чи: «... Агар биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бу кундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... Зиёли ва тараққийпарварларимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни(нг) ривожи учун хизмат этсак.

Уйлаб кўрилса, Беҳбудийнинг бундан қарийб бир аср ча муқаддам қилган орзу-умидлари бугун бизда амалга оширилаётганлигини кўрамиз. Биз бу гапни нега бундай шарҳлаётганимизнинг боиси бор: Буюк Истиқлол бизга ўз-ўзидан келгани йўқ, бунга халқимиз юз йиллаб интилиб келди, интилишларга эса-ҳамиша одатда унинг буюк даҳолари йўлбошчилик қилади. Зеро, ҳар бир давр воқеа-ҳодисалари, тарихий вазиятлари эл-юртдан шундай даҳоларни етиштиради. Беҳбудий ва унинг ҳамфикр сафдошлари бу буюк орзулар жараёнида давом этган курашларда қурбон бўлиб кетдилар, орзу-умидлари қалбларида армон бўлиб дунёдан ўтди...

Дунёдаги ҳар қандай ривожланган мамлакатлар ва уларнинг раҳбарлари билан бевосита мулоқот ва амалий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи билан яшамоқдамизки, қизил империя даврида булар ҳақида ўйлашнинг ўзи қамоқ, сургун, отиб ўлдириш деган сўз эди...

Айни шу маънода Беҳбудийнинг юқоридаги фикри баёни учун ишлатган ҳар бир сўзи устида бирма-бир ўйлаб мулоҳаза юритишни биз уқувчиларнинг ўзларига ҳавола қиламиз... Беҳбудий орзу-ҳавас қилган мана бу нуқтага бир эътибор қилайлик: «...Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни(нг) Мажлис Муборовотимиз (Парламентимиз) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шароит ва одатларига... Ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар... Туркистон яҳудийлари ва бошқа миллатлари мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузулсун...»

Шу ўринда инсон тафаккурининг чуқурлиги ҳудди коинотдай чексиз-чегарасизлигидан кишини ҳайратга соладиган яна бир каромати эслаб ўтиш жоиз бўлиб қолди. У ҳам бўлса, истиқлол, мустақиллик сингари улуғ неъматларнинг биринчи белгиси бўлган она тили ва унинг давлат мақоми ҳақида. Бизда шу ҳақда қонун қабул қилингани ахборот воситаларида таъкидлангани маълум.

(Давоми 4 бетда)

Одамийлик сабоқлари

ИНСОН ЗИЙНАТИ САМИМИЙЛИК ВА ВАЗМИНЛИК

Самимиятлик инсон характеридаги энг гўзал томонлардан бири бўлиб, у инсоннинг беғуборлигини, беғаразлигини ифодалайди. Лекин ўзини қўйиб юбориб, бўлар-бўлмас гапларни ўйламасдан валдирайвериш кишининг кўнгли очиқлигини билдирмайди. Ўзини тута билмайдиган киши лақмалик туфайли кўп хатога йўқ қўяди. Зотан, ўзи учун қийин бўлган вазиятда ҳам ўзгалар ҳаётини заҳарламасдан ўзини тия билиш - «тилини тишлаб туриш» самимият эмасми, ахир?! Бундай кишиларда беғараз севги, холисона ғазаб бўлади, қатъийлигида самимийлик, табассумида ақл бўлади. Одамнинг зийнати донолик бўлса, донолик зийнати - осойишталик, осойишталикнинг зийнати - жасорат, жасоратнинг зийнати - майинликдир. Майинликнинг замирида эса беғубор самимият ётади.

Буюк файласуф Лидро ёзганидек, самимийлик ҳақиқатнинг ва ҳалол одамнинг пешонасига ёзилган белгисидир. Улуғ кишилар ҳаётига назар ташлар эканмиз, уларнинг нақадар оддий ва самимий, ҳалол ва камтар булганликларига эътибор берамиз.

Самимий киши ўзининг ҳатти-ҳаракатига танқидий кўз билан қарайди, хатоларидан тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Ҳамма ҳам ўз айбини бўйнига олмайди, олгиси келиб турса ҳам, бўйни ёр бермайди: у ёки бу шароитга ёки кимгадир тўнкашга уринади. Шунда инсон тафаккурида ички зиддият пайдо бўлади. Фақат мард кишиларгина хато ва камчиликларни тан олиб, бўйинларига олишга ўзларида жасорат топа оладилар. Ўз камчилигини тан олиш учун одам мард бўлиши керак. Мардликни ҳар ким ҳам қилавермайди, Мард одамда тийран ақл, кучли ирода ва шаклланган характер бўлиши керак. Қолаверса, унда юксак ички маданият бўлмоғи лозим. Хато қилмайдиган инсон бўлмайди. Лекин ана шу хатони такрорламаслик керак. Алишер Навоий бу ҳақда шундай деган: «Саҳви хато башарият лозимидир. Хато ва саҳвин англаб, мутанаббиҳ бўлғон саодатманд одамийдир».

Самимий одам очиққунгилли, бағри кенг бўлиши билан бирга, ўзгалар меҳнатини қадрлайдиган, ўзига қилинган ҳурмат эътиборга миннатдорчилик билдирадиган киши ҳамдир. Сен билан бирга ишлаб ва яшаб, бирга сен билан нафас оладиган одам сенга беғараз ёрдам берса, у бу ёрдам учун миннатдорчилик сўзини эшитмаса, у ҳеч нарсани йўқотмайди, аммо, кўнгли совиши мумкин. Аммо, миннатдорчилик билдиришни эп кўрмаган киши эса кўп нарса йўқотади. Гап шундаки, яхшиликни билмайдиган, ўзгалар ёрдамининг қадрига етмайдиган инсон, энг аввало, кишиларга бўлган ишонч, уларга бўлган хурматни йўқотади. Бу эса инсонни маънавий қашшоқликка, виждонан тубанликка олиб боради. Бундай кишида «Менинг ёрдамимга мухтож бўлган кишига қўмаклашсам, барибир мени билмай ўтади» деган тушунча мавжуд бўлади. Пировард оқибатда бундай кишида «Яхшилик қилсанг - ёмонлик қайтади» деган эътиқод ҳукмрон бўлиб қолади.

Бировга яхшилик қиламан дейдиган одам илтимос-у илтижоларни кутиб ўтирмайди. Шундай қилишинг керакки, ёру биродарларинг ёрдамга мухтож эканлигини билдингми, ўзига билдирмасдан/унинг ҳожатини чиқар.

Самимиятлилик тўғрилик ва ҳақиқатгўйлик билан узвий боғлиқдир.

Самимиятлик табиийликни тақозо этади. Табиий бўлмоқ - ҳар қандай ясамалик, сунъийликни инкор этади. Бунинг учун эса одиллик, ҳақиқатгўйлик, виждонлилик керак бўлади.

Жуда кўп болалар мактаб партасиданоқ муаллимдан билим олибгина қолмасдан, унга эргаша бошлайдилар. Қайси муаллимнинг одамгарчилиги, ўзини тута билиши, муомаласи билими яхши бўлса, бола ўша муаллимга таассуф қилади ва ҳатто унинг касбини эгаллашга, ўшандай муаллим бўлишга ҳаракат қилиб қолади. Ҳатто юриш-туришида ҳам унга тақлид қилади.

Таассуф - яхши одамларга эргашиш ёшларнинг ижобий хислати, Камол Хўжандий ёзганидек:

Кичикка улуғлик улуғдан тегар,
Улуғга етиб ёш кичик қут топар,
Улуғлар сўзин тут, амал қил, югур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар.

Шундай кишилар борки, улар ҳақида «бир сўзли»,«ваъдасига вафодор»,«айтдими қилади» деб баҳо берадилар. Демак, бундай одамга ишониш мумкин. Сиз дўстингизга фалон гапни телефонда айтиб қўйишни ваъда берганингизда, лекин иш бўлиб, ёдингиздан кўтарилиб қолди. Кейинчалик эсингизга тушса-ю, қўл силтасангиз, жуда нотўғри иш қилган буласиз. Ваъда бердингизми, муҳим ёки номуҳим бўлишидан қатъий назар уни бажаришингиз шарт. Биз кўпинча ана шундай ишларни майда-чуйда нарсалар деб уларга катта аҳамият бермай, бир-биримизни кечириб ўтамиз. Натижада ўзаро муносабатдаги бу эҳтиёжсизлигимиз одат тусига айланиш, турмушимизга субутсизлик оралаб қолади.

Айримлар «Ахир бундай майда-чуйдалар шахсий муносабатларга раҳна солмайдику» деб ўйлайдилар. Бундай ўйлаш жиддий ҳолатдир. Ахир, майда-чуйда нарсалардан йириклар вужудга келади. Бугун оддий ваъдангизни бажармасангиз, эртага каттароқ ишни бажаришни унутсангиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз, бола-чақаларингиз олдида аста-секин бурдингиз кетади. Пировард оқибатда одамлар назаридан қоласиз.

Ҳақиқий одоблилик, самимийлик ва миннатдорчиликни ҳис қилиш, тўғрилик ва ҳақиқатгўйлик, бирсўзлилик, аниқ ва пухталик, интизомлилик ва саранжом-саришталиқ, озодалик ва вазминликни қанчалик тушунишга эмас, балки ана шу хислатларни табиий эҳтиёж сифатида кундалик одоб қилиб, характерга сингдириб юборишлиликда аниқ ва яққол намоён бўлади.

Ф. ИСМОИЛОВ,
профессор.

Қуйидаги етти фазилатни маҳкам ушласангиз омадли, бахтли-иқболли буласиз.

1. АҚЛЛИ ВА ОДОБЛИ БЎЛИНГ!

Бу икки хислатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ақл бўлиб, одоб бўлмаса омад йўли тораяди, унга етишиш оғирлашади. Шу боис «ақл билан одоб — эгизак» дейилади. Чунки Ақл — Ҳасандир, одоб — Ҳусандир. Бу икки фазилатни маҳкам ушланг!

2. МАРД ВА БОТИР БЎЛИНГ!

«Мардлик — йиқитмоқ эмас, турғизмоқ». Шу боис мардлик — мангулик ҳикмати бор.

Иккови бир сўздек туюлган бу иккала фазилат бамисоли бир нишоннинг икки томонидир.

Ботир йигит улар ерига кулиб боради. Ҳавас қилишга арзигулик бу ҳислатларни ўзингизда тарбиялай олинг, камлик кўрмайсиз.

3. МАҚСАДЛИ ВА ИСТАКЛИ БЎЛИНГ!

Мақсад бахтингиз асоси эканини унутманг. Ҳарқандай «шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир». Мақсадингизга қараб қандай одамлигингизни билса булади. Ҳалол мақсад масофадан қўрқмайди. «Истак адо бўлган ерда одам ҳам адо булади»(Чунки инсоннинг моҳияти унинг хоҳишларида акс этади» да)

4. ОРЗУ-УМИДЛИ БЎЛИНГ!

«Қалбни орзудан маҳрум қилиш, ерни ҳаводан айириб қўйиш билан баробар» эканига инонинг. Орзу-истаксиз одам бўлмайди. Агар бўлса ҳам у энг бетайин одамдир. Умид билан яшаган одам ҳаётда кўп нарсага эришиши мумкин. Умидга ҳеч ким чанг сололмайди, у енгилмасдир. Умидли одамга мард одам деб қаралса бўлади. «Умидсиз киши ланғарсиз кема кабидир». Демак, орзу-умидли бўлган ютади.

ОМАД СИЗГА КУЛИБ БОҚСИН!

5. ТАДБИРКОР ВА УДДАБУРОН БЎЛИНГ!

«Қаловини топсанг, қор ёнар». Бу тадбир омилкор одам ҳақида айтилган мақол. «Чупоннинг чаққони — такадан сут соғади» деган мақол эса ишбилармон, уддабурон кишилар ҳақидадир. Демакки, омад қушини ўзингиз буйсундирмоқчи бўлсангиз, бу икки хислатни эгалланг, ютқазмайсиз.

6. ИЛМЛИ ВА ҲАҚИҚАТГЎЙ БЎЛИНГ!

Инсон кучи илмда. Илмли одамлар йиқилмайди. Инсон буюк куч-қудратга эга бўлишни истаса, албатта ва албатта илмга эга бўлмоғи керак. «Билим ва қудрат— иккови эгизак». Илмли одам ахлоқий баркамолдир.

Ахлоқий баркамол одамлар доим ҳақгўй бўлишади. «Ҳақиқат бу ҳаводир, усиз нафас олиш мумкин эмас» ёки бошқача қилиб айтсак, илмли одамлар ҳақиқатни ҳаёт деб билишган. Чунки «Ҳаётни севиш — ҳақиқатни севиш» деган гап.

7. ШИЖОАТЛИ ВА МЕҲНАТСЕВАР БЎЛИНГ!

Шижоатли одам ҳар қандай шароитда ҳам далил олға юра олади. У келажак билан яшайди. Шижоатли одам осмондаги юлдузлар ичидан ўзининг юлдузини топаолади. Меҳнатсевар киши улмайди, у доим тирик ва инсонларни бунёдкорликка чорлаб туради. Шон-шараф ҳам, улуғлик ҳам, маданияту маънавият ҳам меҳнатсеварлик туфайлидир. «Ҳаёт кемаси меҳнат ланғарига суянмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди».

«Зарбулоқ-Инвест» хусусийлаштириш инвестиция фонди мана шу етти фазилат эгаларига мурожаат қилади: «Азизлар, биз Сизларнинг омадли, бахтли-иқболли бўлишингизни истаймиз. Иншоолло, ниятларимиз ижобат бўлгай.

ТЎЛҚИН

Тиббий маслаҳатлар

АГАР ШАМОЛЛАБ ҚОЛСАНГИЗ...

Кузнинг охирги ойи - ноябрда бир қарасангиз қаттиқ шамол эсади, бир қарасангиз ёмғир аралаш қор ёғади. Шунинг учун бўлса керак озгина эҳтиётсизлик қилсангиз бурнингиз қизариб, қаттиқ йўтала бошлайсиз. «Тезда цифокорга!»- деб маслаҳат беришади атрофдагилар.

Уйда малҳам тайёрлаб, даволанишга бефарқлик қилмасангиз, шифокорга мурожаат қилишга ҳожат ҳам қолмайди. Халқ табобати тавсияларига амал қилиб, ўзингизни уйда даволасангиз касаллик нафақат чекинади, балки қайтарилмайди.

Уйингизда алоэ гули борми? Унда жуда яхши. Бир дона баргини юлиб, ўртасидан кўндалангига кесиб, шарбатини сиқиб чиқарасиз. Икки дона гугурт бошига пахта ўрайсиз ва ўша алоэ шарбатига пахтани ботириб, бурун тешикларида айлантириб оласиз. Бу муолажани бир кунда 20-30 минутдан 4-5 марта қайтариш мумкин.

Кечаси эса суртма малҳам тайёрлашингиз мумкин. 5 ош қошиқ туйилган қизил қалампирни ярим литр усимлик ёғининг озроғи билан яхшилаб аралаштирасиз. Бир хил масса ҳосил бўлгандан сўнг қолган ёғни қўшиб яна аралаштирасиз. Кейин банкага қуйиб қайнаб турган сувда аралаштириб турган ҳолда 15 минут ушлаб турасиз. Совутиб олиб қўясиз. Кечасига шу малҳамни кўкрак елка ва орқага суртиб қалин кўрпага' ураниб иссиқ малинали, лимонли чой ичасиз. Эртасига шифокорга боришингизга ҳам ҳожат қолмайди.

ВАНГА БУВИ ТАВСИЯСИ

Ҳар қандай шамоллашнинг энг ёмон томони тинимсиз йўталнинг томоқ билан кўкрак қафасига азоб беришидир. Бунинг биринчи давоси оққалдирмоқ, кўка (мать и мачеха) баргидан тайёрланган дамламадир. Қуруқ барглларнинг ўзини сувга дамламасдан, балки иштаха билан истеъмол қилишингиз учун чой, қаҳва, шарбатга қўшиб хоҳлаганингизча ичишингиз мумкин.

Агар шамоллашингиз кучлироқ бўлса, мураккаброқ малҳам тайёрлашингизга тўғри келади. Енгоқдан 4 донасини туйиб, унга қарағат (маржон) дарахти гулларидан қўшасиз ва бир ош қошиқ асал солишни ҳам унутманг. Яхшилаб аралаштирганингиздан кейин ярим литр сув қуйиб оловга қўясиз. Паст оловда 15-20 дақиқа қайнатиб совутасиз. Кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичасиз.

Фарзандларингиз шамоллаганда аччиқ дорини ичишни хоҳламай хархаша қилишади. Мен сизга фарзандингиз йўталганда нима қилиш кераклигини маслаҳат бераман.

100 гр асалга 100 гр сариёғ аралаштирасиз. Малҳам тайёр бўлгач, кунига 3 маҳалдан 1 чой қошиқдан ортиқ истеъмол қилишга йўл қўйманг.

«Хориж матбуоти»дан
А.ТУҒАЛОВ тайёрлади.

ОИЛА даврасида

Фақат қизлар ўқисин

ҲАЁ, ИБО ҲАМ ҲУСН

Хоним қизлар, ҳаё, ибо, андиша - қизларнинг ҳуснидир. Чунки андишали қиз виждонли бўлади. Виждонли инсонда эса албатта ҳаё ва андиша бўлади. Зеро, Алишер Навоий ёзганидек, «Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда- ҳаё».

А.Авлоний ҳаёга шундай таъриф беради: «Ҳаё деб ишда, сўзда адабга риоя қилмакни айтилур, ҳаё дилни равшан қиладирган бир нурдурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир». Латофатсиз қизлардан одамлар ўзларини олиб қочадилар.

Маълумки, совчиликка борганлар қизнинг авлодини суриштирадилар - уруғининг қони бузилганми, палаги тозами? Бундай мулоҳазалар жуда ўринлидир!

Хоним қизлар, Шарқ афсоналаридан бирида она турмушга чиқаётган қизига берган маслаҳатларини сизлар ҳам тингларсизлар-а:

- Эй қизим! Сен ўзинг ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга бормоқдасан. Сен бўлажак турмуш ўртоғингнинг ҳамма хислатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут: унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳр-шафқати билан сени хушнуд этади. Сен унга канизак бўлсанг, у сенга қул бўлади.

— Умр йўлдошингдан кучи етмаган ва сотиб олишга имкони бўлмаган нарсаларни талаб қилма! Бундай қилсанг, оиладаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Ўзингдаги нохуш ҳидлар эр димоғига киришининг олдини ол! Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин! Ўзингни аччиқ ва пичинг сўз айтишдан тий, тилингни ширин, юзингни ҳамиша очиқ тут. Умр йўлдошинг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларни эшитсин, ярашмайдиган ёки эски либосда, юзларингга оро бермаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма!»

Араб адиби Юсуф Тавасийнинг «Ҳикматлар хазинаси» китобида ҳам онанинг қизига насиҳатларини ўқиганмисиз? Ёки эшиттанмисиз? Бўлмаса эшитинг-а:

- Қаноат соҳибаси бўл, қизим. Унга итоатда бўл. Қил деган ишларини қил, қилма деганларини қилма. Эрга итоат бўлмоқлик, уйинда тотув бир ҳаётда яшашни истаган ҳар бир аёл учун ҳаво ва сувдек зарурдир. Умр йўлдошинг билан суҳбатлашганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб, адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шундай бўлса, Аллоҳ Таоло сендан хушнуд бўлади. Уйинг саодат нуридан нурафшон бўлади.

— Ёдингда тутки, эринг хафа бўлганда сен хурсанд бўлишдан сақлан. Чунки, унинг хафагарчилигидан сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувонган чоғларида сенинг ғамгин бўлишинг, унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни келтириб чиқаради.

Эринга қанчалик кўп севги ва ҳурматли кўрсатсанг, ўзинг ҳам шунчалик муҳаббат ва иззат-икромга эришасан.

И.ФОЗИЛОВ.

Гул ишқибозларига

АТИРГУЛНИ ҚИШДА АСРАШ

Ҳозир атиргулларни қишлов учун кумишнинг айни пайти, чунки атиргул ҳам парваришга муҳтож усимлик. Улар ҳам бошқа усимликлар каби қишки совуқлардан асрашни талаб қилади. Узбекистон қиши унчалик совуқ бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда атиргулни бутунлай кумиб ташлашнинг ҳожати йўқ. Фақат бир нарсага эътибор беринг, яъни унинг илдиз бўғимларини совуққа олдириб қўймаслик керак. Хўш, бунинг учун нималарга амал қилиш лозим? Атиргул атрофига биринчи навбатда тупроқ уйиб қўйилади, қипиқ солиб новдаларнинг асосий қисми кумилади. Новдасининг бир оз учи очиқ турса ҳам унча хавфли эмас.

Атиргулларни кузнинг илк ойлариданоқ новдаларини кесиш, тагларини юмшатиш, суғориш ишлари тўхтатилади. Чунки шундай қилинганда новдалари янгиланиб, совуққа чидамли бўлиб етилади. Атрофдаги бегона ўтлардан ҳар доим тозаланиб турилади. Илк бор совуқ тушмасдан олдин тупларининг атрофи бир-икки қарич чуқурликда чопиқ қилингандан кейин устига торф, юмшоқ тупроқ ёки гўнг озуқаси ташланади. Чунки бу ўғитлар атиргулнинг тупларини иссиқ сақлаши билан бирга озиқлантиради ҳам.

Кузнинг иккинчи ва учинчи ойи бошларида барча барглари юлинади, нимжон, касалланган новдалари асосий қисмига яъни поясига тақаб кесилади, қолган новдалари 7 смгача қолдирилиб устки томони бутунлай қирқиб ташланади.

Туп атрофига йиғилиб қолган барг ва хас-хашаклар йиғиб олинади, шунингдек гуллари сохта шудрингнинг қишлови спораларини қириб ташлаш учун 2 фоизли бордо суюқлиги ёки нитрофен препаратли суюқ дори билан дориланади. Тупроқ атрофига қалин қилиб кул солинади. Совуқ тушиб, тупроқ музлай бошлаган кундан бошлаб атиргулларни дарҳол кумишни бошлаш керак.

А.АЮПОВ,
Биолог.

MIRZO ULUG'BEK

Mirzo Ulug'bek 1394 yil Sultoniya shahrida tug'ildi. Uning onasi Gavharshod-begim chig'atoy amirligidan G'iyosiddin Tarxonning qizi edi. Mirzo Ulug'bekning ismi Muhammad Tarag'ay bo'lib, uning tarbiyasi bilan bobosi va Temurning xotini Saroy Mulkhonim shug'ullanganlar.

Mirzo Ulug'bek donishmand bo'lgan. Qur'oni Karimning aksariyat qismini yoddan bilgan... Shuningdek fiqh (islom qonunshunosligi)dan xabardor bo'lgan.

Ul zoti sharif riyoziyot fanining barcha tomonlarini mukammal egallagan.

Ulug'bek rasadxonasi (1421-1429) bugun G'arbu Sharqqa dong taratkandir. Uning astronomiyaga oid "Ziji jadidi Ko'ragoniy" (1437) asari jahon tillariga tarjima qilingan.

УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ КЎП ЭКАН

Таҳририятга бир аёл мактуб юборибди, унда: Фақат соғлом умр кечирганларгина узоқ яшайдиларми? деган савол билан мурожаат қилган.

Бу йил Францияда 122 ёшда жаҳонда энг узоқ умр кечирган аёллардан бири оламдан ўтди. Умрининг кейинги 12 йилини у қариялар уйида ўтказди. Жанни Калме исмли бу аёл 1875 йилнинг 21 февралида Франциянинг Арле шаҳрида туғилган. У умр йўлдошидан сўнг 55 йил яшади. Ҳаётининг кейинги йиллари кўзи кўрмай қолди. Қулоғи ҳам унча-мунча эшитмайдиган бўлиб қолганига қарамай, сўнгги кунигача у руҳан тетик ва хушчақчақ эди.

Туғилган кунининг 121 йиллигига атаб компакт-диск чиқаришга муваффақ бўлди. Қизиғи шундаки, 85 ёшда бўлишига қарамасдан у қиличбозликни ўрганди. 100 яшарлигида ҳам велосипедда сайр қиларди. Кўрмай қолганлиги ва ҳадеб сигарета тутатиб бериш учун бировни безовта қилишни хоҳламаганлиги учун ўлимидан 2 йил аввалгина чекишни ташлади. Калмедан узоқ яшашнинг сири ҳақида сўралганда: — Ҳазил-мутойиба ва портвейнни севганимдан деб жавоб берган. Ҳақиқатан ҳам кампир ҳаётининг сўнгги кунигача вино ичишни канда қилмаган.

Р. АБДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

САБР БАХТ КЕЛТИРАР

Ғаллаорол туманида яшаётган Адолат хола Абдураимованинг ёшлиги даврининг энг оғир йиллари - уруш йилларига тўғри келган. 18 ёшида келинлик либосини кийган Адолат хола уруш туфайли умр йўлдошидан барвақт ажраб қолди.

Қишлоқда деярли эркаклар қолмагани учун қўш хайдаб, ерни шудгор қилиш аёллар зиммасида бўлгани учун Адолат хола ҳам баробар меҳнат қилди. Уруш тугагандан кейин она бўлиш, фарзанд кўриш мақсадида 5 қизнинг отаси бўлган Бойтура исмли кишига турмушга чиқди. Бу қизларни ўз қизларидек кўнглини ўкситмади. Оқ ювиб оқ таради. Навбати билан ҳеч кимдан кам қилмай турмушга берди. Бу борада ўзи ҳам она бўлиш бахтига муяссар бўлди. 3 ўғилнинг онаси бўлди. Бир маромда ташвишсиз ўтаётган кунларнинг бирида турмуш ўртоғи ҳамда кенжа ўғлидан ажралиб қолди. Лекин Адолат хола тушкунликка тушмади. Фермага ишга кириб, икки қоракўзни ҳеч нарсага зориқтирмади. Меҳнат қилган элда азиз деганларидек, Адолат хола меҳнатсеварлиги туфайли ҳар ерда ҳурматга эга бўлди.

Ҳозирда онахон невара-эвараларининг ардоғида ўғиллари - Абдукарим Бойтураев Болғали қишлоқ хўжалиги уюшмаси раиси лавозимида, Муҳаммадкарим тумандаги бош шифохонанинг жарроҳлик бўлими мудири бўлиб ишлаб келишмоқда.

Ҳа, Адолат холадек сабр-бардошли, матонатли аёллар, онахонларимиз бор экан, инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, йўқолмайди.

Муҳайё АСТОНОВА.

ХАНДАЛАР

- Қаршимиздаги уйда турувчи эркак ҳар доим ишга кета туриб, хотинидан бўса олади, улар роса бахтли бўлишса керак. Нима учун сен ҳам шундай қилмайсан, - сўради хотин эридан.

- Қизиқ гапларни гапирасан-а! Ахир мен қандай қилиб ундан бўса оламан? У хотинни мутлақо танимайман-ку- таажубланди эр.

***

Ресторандан ширакайф чиққан бир хўрранда жуда ҳам кўркам поча — пўстинни кия бошлади. Шу пайт бошқа хўранда ундан сўради:

- Кечирасиз, сиз Изя Рабиновичмисиз?

- Йўқ, нима эди?

- Биласизми, ҳозир сиз киймоқчи бўлган поча-пўстиннинг эгаси Изя Рабинович бўлади. Рабинович эса менман.

***

Габроволик шеригидан сўради:

- Бугун бўшмисан?

- Ҳа!

-Эртагачи?

- Эртага ҳам бўшман.

- Индинга кечқурунчи?

- Афсус, бандман. Рафиқам билан меҳмонга бормоқчи эдик.

- Эҳ, афсус, афсус! Индинга кечқурун сени уйимга меҳмонга чақирмоқчи эдим.

Шавкат ЁҚУБОВ тўплаган.

«Ишонч» устахонаси

ҚУТИЧА

Рузгорда кўпинча тўғри тўртбурчакли пластмасса идишлар йиғилиб қолади. Уларни ташлаб юбормасдан, ажойиб йиғма қутича ясаш мумкин. Бунинг учун фанер, майда михчалар, ошиқмошиқ, даста, пластмасса идишлар керак булади. Хоҳишга кўра бундай идишчаларнинг 5-10 таси сиғадиган қутича ясаш мумкин. Идишнинг ўлчамига кўра қутичанинг ёнларини аррада қирқиб тайёрланг. Бунда идишнинг эни, буйи ва умумий баландлиги ҳисобга олинади. Идишчаларни бир-биридан озгина узоқроқ жойлаштирсангиз, уларни олиш осонлашади. Бунинг учун қутичанинг икки ёни қутичалар баланллигида озгина тирқиш қоладиган тарзда арра билан қирқилиб, ариқча очилади. Хоҳишга кўра идишчаларни бўйламасига ёки кўндалангига кўра жойлашадиган қилишингиз мумкин. Эшикчани ўрнатиш ўзингизга ҳавола. Юқори қисмига мебелларга ўрнатиладиган дастани маҳкамлаб қўйинг. Шу тарзда «уй аптечкаси»ни ҳам тайёрлашингиз мумкин.



Ҳошимжон ЭҒАМОВ
расмлар муаллифники.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Кентовлик кончиларнинг чиқишлари тугамасданоқ Қозоғистоннинг Женатасдаги фосфор ишлаб чиқарувчи концернининг ишчилари норозилик намойиши ўтказмоқдалар. Икки йилдан бери иш ҳақларини ололмаётган Кончилар хотин, бола-чақалари билан икки ҳафтадирки, очлик эълон қилганлар. Улар ёрдам сўраб ҳукуматта ҳам, парламентта ҳам бир неча бор мурожаат қилдилар. Аммо натижаси бўлмади. Намойишчилардан бир аёл: «Болаларимиз оч, ейдиган парса қолмади, талабимиз қондирилмагунча, намойишни тўхтатмаймиз»,-дейди.

***

Марказий Осиё республикалари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним Қозоғистонга келган. У бу ерда Республика Президенти Н.Назарбоев билан учрашди. Сўнгра «Аёллар ва сиёсат» мавзуида ўтказилган конференцияда иштирок этиб, шаҳар туғруқхоналаридан бирига ташриф буюрди.

***

Бишкек. Профессионал боксчилар орасида ўрта вазнда жаҳоннинг кўп марта чемпиони бўлган Орзубек Назаровга суиқасд қилинган. У икки ўртоғи билан машинада кетаётганида бошқа бир машинадаги номаълум шахслар уларни отишган. Натижада О.Назаров яраланиб, унинг ўртоғи вафот қилган.

***

Европа иқтисодий банки Мари-Тажен транспорт йўли қурилиши учун 50 миллион америка доллари ажратган. Можаристон келгуси йилдан бошлаб Туркманистондан йилига 900 минг кубометр газ оладиган бўлди. Қарз эвазига бериладиган бу ёнилғи Каспий денгизидаги Тенгиз кони заҳираларидан олинади.

ИСТИҚБОЛНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

(Давоми.Боши 2-бетда)

Беҳбудий ёзган эди: «...Туркистон ўлкасидаги халқни(нг) кўбраги ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар булса-да, оз. Биноан алайҳ ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тил, Туркманистон учун туркман тили (баъзи шевалар) расмий тил саналарга тейиш...» «Улуғ Туркистон», 1918 й. 27 июль).

Ўйлаб кўрайлик, бу фикрлар, мулоҳазалар қачон баён қилинган? Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи бошни гаровга қўядиган-айни Туркистон халқларининг қонини сувдек оқизиб, хунрезликни авжга чиқараётган, «порлоқ келажак» сафсаталар билан ўз кирдикорларини пардалаб босиб келаётган-тарихимизнинг энг кирлик, энг фожеали кунларида газетада чоп эттиришни бир кўз олдимизга келтирсак, буюклик нима, жасорат нима эканига шу билан бирга, буюк аждодларимизнинг бутун маънавий қиёфалари нимадан иборатлигига ҳам чуқурроқ тушиниб етармидик... Беҳбудийнинг мазкур фикр-мулоҳазалари миллий кадрларимизни етиштириш йўлида интилиш деб баҳоласак, муболаға бўлмас...

Беҳбудийнинг бевосита шогирди, ҳамфикр сафдошларидан бири Абдурауф Фитрат эса, 1919 йилдаёқ - Туркистон мусулмонлари орасида ишлайдиган ўрис ҳукмронлари вакили -Трояновский нега бизнинг тилимиз, урф-одатларимизни билмай туриб, бизга раҳбарлик қилади, деган саволни дангал кўтариб чиққан, бу мавзуда махсус мақола ёзиб, газетада эълон қилганда - қизил босқинчиларнинг биринчи бошлиғи Ленин ҳали тирик эди...

Ана энди шу нуқтада бир мулоҳазага эҳтиёж бор: аксар бизнинг журналистларимиз - агар ҳукумат ёки Олий Мажлис бирор қарор ёки Қонун қабул қилса, бу расмий ҳужжатларнинг моҳиятини чуқур очиш, кенг куламда энг оддий одамларга ҳам тушунарли қилиб изоҳлаш, яъни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш ва ҳаётга тадбиқ этиш ўрнига, ҳужжатлардан қатор-қатор кўчирмалар келтириш, ёки айрим лавҳаларни бутун-бутун кўчириш билан овора бўлиб қоладилар. Ҳужжатлар эса, ахборот воситаларида эълон қилинганича ўқилган бўлиб қолади. Ваҳоланки, Давлатимиз бирор қонун ёки қарорни қабул қилдими, унинг бугунги ҳаётимиз жараёнларидаги роли, аҳамияти ва ниҳоят ундан келиб чиқадиган натижалар, хулосалар ва шундан жамиятимиз тараққиётига нималар келишини аниқ далиллар, холис таҳлиллар билан очиб бериш лозим булади. Агар шу жиҳатдан Беҳбудий ва Фитратдан келтирган мулоҳазаларга назар солинса, буюк сиймоларимиз - миллий кадрларни тарбиялаш, етиштириш, уларни жаҳон миқёсидаги воқеалар жараёнида фикрлай оладиган савияга кўтариш ҳақида ўйлаганларини пайқаб оламиз. Асли миллий дастурнинг мақсад ва моҳияти бизга қолса мана шу олий мақсадларни кўзда тутади...

Беҳбудий ва Фитратлар Россиянинг босқинчилигидан қутилиш йўлини излаганларида русларни қоралаган эмаслар, уларнинг айрим фазилатларидан фойдаланишни уқдирган ҳолда миллий ўзлигини йўқотмаслик, кези келганда рус подшоҳлари ҳузурида ишлаш, уларнинг амалдорлари билан бемалол беллашган ҳолда Туркистон мусулмонлари манфаатлари учун курашиш даражасига кўтарилиш масаласини қўйганлар... Ўйлаб қаралса, асл миллий кадрлар тайёрлашнинг туб негизи, бинобарин миллий дастурнинг асл моҳияти ҳам шундай эмасми?! Эндиликда эса, биз мустақиллик даври миллий кадрларни жаҳон миқёсида фикрлай оладиган савияга кўтаришимиз лозим бўлиб қолди. Бу ҳаёт тақозоси, мустақиллик талаби, Ўзбекистонда қурилаётган жамиятимизнинг олий мақсади бўлиб қолди.

Бироқ, минг афсуски, бу муҳим жараённи, бутун тақдиримиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга - бу юксак тадбирни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, барча табақадаги ҳар бир фуқароси ҳам тўла ва тўғри тушуниб яшаётир деб бўлмайди. Баъзи тадбиркорлар, фермалар, фирмачилар, қишлоқ хўжалик, завод-фабрика ходимлари, раҳбарлари, ҳатто ҳокимлар, вазирлар ҳозирги ўтиш даври қийинчиликларидан ўз манфаатлари учун фойдаланиб, халқни, давлатни ва ҳаммамизни алдаб-ўғирлик қилиб қўлга тушаётганларни нима деб аташ керак?! Пахта заводида ишлаган яна бир раҳбар юз тонналаб пахта толасини (четга-я) сохта ҳужжатлар билан ўғирлаб чиқараётганда қўлга тушиб қамалса, хориж билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини - гоҳ аккумуляторсиз, гоҳ бошқа бирор қисмини олиб қолиб сотиб юборавверса, чиқарган машиналарининг моторлари сифатсизлигидан ишлатиб бўлмаса, Сирдарё ёки Жиззахларда минглаб гектар ерлар ё давлатдан яширин экилса ёки ерлар талон-тарож қилинган бўлса, хориж билан ҳамкорликда қурилган ускуналар билан ишлаётган пойафзал фабрикаларида маҳсулотлар ўта қиммат бўлса-да, нега ундай деб сўрасангиз - «хом аше- яъни чармни хориждан оламиз» деб туриб олишса - ахир буларнинг ҳамма оғирлиги - жарима сифатида келиб-келиб энг оддий халқ гарданига тушса, - яна «нима иш қилаяпсиз» деб сўралсабояги жиноятчиларнинг ҳаммаси - оғзини тўлдириб- «халқимиз фаровонлиги учун ишлаяпмиз» деб жар солса,- бу қандай гап? Бу санаб ўтганларимиз ифлос ишларнинг иқтисодий ёки моддий зарари нақадар катта бўлса, унинг жуда қалтис маънавий зарари ҳам бор. Бу шундан иборатки, оддий халқимиз юртбошимиз Ислом Каримовни қандай ҳурмат қилиши маълум. Юқоридаги барча қусурларни айнан Президентимизнинг ўзлари очиб ташлаётганлари, уларни бартараф этиш йўлида жонбозлик кўрсатаётганларини бутун мамлакат аҳли кўриб турибди. Демоқчимизки, бизни моддий жиҳатда талаётганлар асос-эътибори билан маънавий душманларимиз ҳамдир, зеро маънавияти, иймон-эътиқоди паст кимсалар жамиятни, халқни, тараққиёт-ни ҳамиша орқага тортади. Ҳар бир вазиятдан фақат ўзи учун фойдаланишни кўзда тутади. Халқ, ватан, миллат, маънавият деган тушунчалар - инсоният яратилгандан буён маълум бўлган олий инсоний фазилатлар улар учун ётдир...

Республика прокуратурасида бўлган йиғиндаги аянчли манзарага - қалбида заррача инсофи бор одам бефарқ қарамаган бўлса керак. Прокурор Б.Мустафоев қишлоқ хўжалигидаги аҳволни пухта ва чуқур ўрганиб чиққани туфайли воқеаларни эркин баён қилади, сўрайди, моҳиятини англагани равшан кўринади, аммо ҳокимларнинг ишлари чатоқ муовинлари, трактор заводи директори ва бошқаларнинг худди болалардай довдирашлари кишини таажжубга солади. Уятномус, иззат нафс деган инсоний ҳиссиётлар-чи?

Мақоламиз гарчи бошидан фақат назарий йўналишга қаратилгандай кўринган бўлса-да, унда қатор далиллар келтирдик. Зеро ҳаётнинг аниқ мақсадлари учун ярамаган ҳар қандай назария, ёки ялтироқ сўзлар йиғиндиси - сариқ чақага арзимайди, кераги йўқ...

Энди бир оз миллий маънавият ҳақида.

Маънавиятга таъриф бериб ўтиришга ҳожат йўқ. Кўпчилик тушунади. Агар бир сўз билан айтиладиган бўлса - маънавият инсонийлик, инсонийликнинг олий белгиси - иймон ва эътиқод. Агар шундай бўлса, Ватанни севмоқ-имондандир, ибораси нақадар барчамиз учун муқаддаслигини изоҳлаш шарт эмас. Хўш, шундай бўлса, ўз жамияти, халқи, демакки ватанни севмаган кимсалар билан уни севган, бор вужуди билан унга хизмат қилишни ўзининг энг олий мақсади қилиб олганлар ўртасида фарқ борми?! Бор! Буларни ажратиб олиш лозимми? Лозим. Бироқ ана шу маънавий оламнинг умуминсоний фазилатлари ҳам бор, миллий ўзига хослик хусусиятлари ҳам бор. Булар аксар фарқ қилса-да, бир-бирига қарши қўйилмайди. Ҳар иккиси қанча фарқ қилса ҳам олий нуқтада бирлашиб кетади ва ана шу нуқталар жам булиб-умуминсоний маънавиятни, ёки қадриятларни ташкил этади.

Юртимизда қудратли нефть заводлари, авто ва трактор корхоналари, олтин конлар, неча-неча обрўли жаҳонга танилган хорижий саноатлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган ва буларнинг ҳаммасига юртбошимиз-у, ҳукуматимиз кенг йўл ва имкониятлар яратиб бераётган бир вазиятда, ва, ниҳоят жаҳондаги кўплаб мамлакатлар бизнинг ерости ва ер усти бойликларимизга қизиқиб қараётган бир тарихий шароитда ўз орамиздан чиқиб турган порахўрлар, ўғрилар, халқ молини талон-тарож қилиб, ҳаромхўрлик қилаётган кимсаларга қандай баҳо бериш керак?! Наҳотки, ислом таълимотининг ворислари ўз халқи, ватани, миллати олдида- ўзининг энг яхши миллий фазилатларини, демакки, миллий маънавиятларини писанд қилмасдан яшашга интилсалар?! Аҳир ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш ўрнига, бизга қўшимча қийинчиликлар туғдириб туриш - энг камида нонкўрлик, булмаса- хиёнат ва жиноят эмасми?! Ким ўғрилик ёки порахўрлик билан умрининг охиригача бахтли бўлган?! Ҳеч ким!!! Бироқ, минг афсуски, биз кечирган 70 йиллик шўро хукмронлик қилган даврда миллий маънавиятимизнинг энг қимматли, энг нозик ва инсон учун энг зарур булган томонларга қарши кураш, ўт очилган эди. Қизиллар ҳокимиятга келиши билан динимиз, тилимиз, эътиқодимизни кўтариб ташлашга интилди. Катта ер эгасининг ерини ерсиз деҳқон тортиб олиши керак, завод фабрикаларни ишчи тортиб олиши керак, чунки бойлар камбағалнинг душмани деб таълим берди. Шу билан бировнинг ҳақини зурлаб тортиб олиш қонунлаштирилди.

«Бунга худо нима дейди?» деган сўроққа худо йўқ деб жавоб берилди. Мачит - мадрасаларга ҳужум бошланди, зиёли муллалар қамалди сургун қилинди, отилди. Миллий урф-одатлар, хатна тўйдан никоҳ ўқитишгача таъқиб остига олинди. Рус мактаблари кўпайтирилди. Рус тилини яхши билмаганларга иш ҳам берилмайдиган даражага келинди... ва ҳоказо...

Буларнинг ҳаммаси нимага олиб келди? Миллий маънавиятимизнинг бузилишига сургани. Ниҳоят гарчи саҳнада «Баҳор» ансамбли қизлари миллий кийимларда рақсга тушганда ҳар қандай миллатта мансуб томошабин завқ билан томоша қилса-да, хотин-қизларимиз сочларини кесиб ташлайдиган, калта юбка кийиб, ёки тўрт томонидан кесилган учун юбка киядиган бўлди... Бу нима ўзи? Миллий фазилатми, ёки нуқсонми? Ахир миллий маънавият инсоннинг бутун вужудидан - хулқи, ҳатти-ҳаракати, билим доирасидан тортиб сиртки қиёфасигача ўз ичига олишини ҳаммамиз ҳам чуқур идрок этамизми? Агар идрок этсак, нега болаларимизга бу таълимни беролмай қолдик? Ота-оналарнинг миллий маънавияти - болага беихтиёр ўтади, бусиз иложи йўқ. Аммо ташқи муҳит таъсири гоҳо болага оиладан кўра кўпроқ таъсир эта бошлагани сир эмас. Буни ҳамма ҳам яхши тушунади. Эсланг-чи, кечагина Венгрия Президенти билан Юртбошимиз бирга ўтказган матбуот йиғинида бир мухбир Президентимизга - Сиз қишлоқ хўжалигини кўтаришга неча йилдан бери катта ғамхўрлик қилиб келаётирсиз. Аммо бу ишни кўнгилдагидек бажармаётган ҳукуматингизни нега истеъфога чиқармайсиз, деган сўроғига юртбошимиз - тўғри айтасиз. Аммо биз маънавиятни оммавий равишда кўтармагунимизча бу ишни тўла амалга ошира олмаймиз. Бизнинг вазирларимиз, раҳбаримизнинг кўпчилиги 70 йиллик қизиллар даврини кўрган, боқимандаликка ўрганган, шундан қутилмагунча минг марта истеъфога чиқарсангиз ҳам аҳвол ўзгармайди. Янгича фикрлайдиган кадрларга эга бўлмоғимиз керак... Миллий кадрлар тайёрлаш Дастури ҳақида Олий Мажлисимиз қабул қилган Қонун шуни кўзда тутади деб, жавоб берди. Бу бежиз эмас эди... Миллий кадр, миллий маънавият муаммолари - бу осон иш эмас, уни тўла амалга ошириш учун мутассил кураш олиб бориш, тинмай ишлаш, жамиятнинг барча табақалари фуқароларни оммавий равишда бу соҳага сафарбар эта биш талаб қилинади. Бу истиқлолимизни мустаҳкамлашнинг туб моҳиятини чуқур англаб иш кўришни ҳаммамизга юклайди...

Ахмад АЛИЕВ.

Спорт • Спорт • Спорт •

ЁШ КУРАШЧИЛАР БАҲСИ

...Бухородаги «Ёшлик»спорт мажмуида Тошкент шаҳри, республикамиз вилоятлари ва Қирғизистон Республикасидан келган ёш спортчилар юнон-рим кураши бўйича ўзаро куч синашдилар. Моҳир спортчи Асад Раҳматуллаев хотирасига бағишланган халқаро турнирда жами 250 нафар курашчи қатнашди. Турли вазн тоифалари бўйича 14 спортчи фахрли 1-ўринни эгаллади. Улар ўртасида бухоролик ёш курашчилар — Комил Камолов, Илҳом Атоевлар ҳам бор.

ТУРНИР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Бухоро шаҳрида 1983 йил ва ундан кейин туғилган усмирлар ўртасида ўтказилган республика турнири голиблари аниқланди. Турнирда андижонликларга омад кулиб боқди. Улар голибликни қўлга киритдилар. Учинчи ўрин учун бўлган курашда бухороликлар қаршилик хоккейчилар устидан галаба қозонишга муваффақ бўлдилар.

А. ИСТАМОВ,
«Ишонч» мухбири.

СПОРТЧИ ИБРАТИ

Жаҳоннинг энг кучли ракеткачиси Мартино Хингис (Швецария) Эфиопиядаги полиомиелит эпидемиясига қарши курашга 75 минг доллар ажратди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тарқатган хабарига қараганда Хингис бундан буён ҳам бу ташкилотнинг программаларини амалга ошириш учун қўлидан келганча маблағ ажратиб ёрдам беришини айтган. «Ҳар йили миллионлаб болалар ҳаётдан кўз юммоқда, уларга ёрдамни аямаслик керак, тўғри менинг берган ёрдамим жуда оз, лекин шунга қарамасдан бу ишда ёрдам бериш қўлидан келадиган кишиларга ибрат булса шояд», — дейди моҳир спортчи.

13 ЁШЛИ ПАҲЛАВОН

Бошидаги гиштни гуволда билан уриб синдириш, йўғон арматурани букиш, тахтага боши билан уриб мих қоқиш ва уни тишлари билан суғуриб олиш, булар Бокудаги олимпия резервлари мактабининг ўқувчиси 13 ёшли Усал Жаводовнинг томошаларидан баъзилари холос.

Эркин кураш бўйича республика чемпиони Яшар Жаводовнинг ўғли болалигиданоқ ўз қобилиятини кўрсата бошлаган эди. Тўрт ёшлигиданоқ у «Жигули»га арқон боғлаб, уни ўрнидан қўзғата олган эди. Кейинчалик Усал отаси билан эстрада коллективларида, циркда ишлади. Ҳозир у эркин кураш билан шуғулланаётган бўлса ҳам аввалги ҳунарини ишга солиб турибди. Отаси иккаласи Гиннеснинг рекордлар китобига кириш орзусида янги номер тайёрламоқда. Унинг нияти бир-бирига боғланган иккита енгил машинани сочига боғлаб судраш.

МАШҲУР ПОЛВОН ҲУРМАТИ

Узининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган Белорусиялик машҳур спортчи Александр Медведь спортчи дўстларидан ажойиб совғалар олди. Словакиялик курашчи Йозеф Свобода «Мерседес-600»тақдим қилган бўлса, доғистонлик дўстлари олтин суви югуртирилган шашка доналари билан бирга Каспий денгизи бўйига жойлашган дала ҳовлининг калитини, эркин кураш бўйича Туркия клубининг Президенти юбилярни Швецария олтин соати билан тақдирлади. Совғалар ичида олти минг доллар турадиган оғирлиги 75 килограмли ваза ҳам бор. У Уралдаги ноёб тошлардан йўниб тайёрланган ва у спортчининг олимпия ва бошқа ўйинларда қўлга киритган мукофотларини қўйиш учун мўлжалланган.

ГРАФ БИЛАН ХИНГИС УЧРАШИШЛАРИ МУМКИН

Аёллар ўртасида машҳур теннисчи Штеффи Граф WTA ҳомийлиги остида декабрь ойида утадиган мусобақаларда қатнашишга розилик берди. Тиззасидан шикастланиб яқинда даволаниб чиққан Граф бу турниридан январь ойида Австралияда ўтказиладиган мусобақалар учун тайёргарлик сифатида фойдаланмоқчи. Утажак бу мусобақаларда қатнашиш истагини шунингдек, жаҳоннинг биринчи ракеткачиси Мартина Хингис (Швецария) ва Франциядa ўтказилган очиқ чемпионат голиби Ива Майоли ҳам билдиришган.

А.САККИНИ НИГЕРИЯГА ЧАҚИРИШЯПТИ

Нигерия футбол федерацияси Италия терма командасининг собиқ бош тренери Арриго Саккига 1998 йилда ўтказиладиган жаҳон биринчилигида мамлакат миллий командасини бошқаришни таклиф қилди. Сакки тез орада бу таклифга жавоб бериши лозим. Италия матбуотининг ёзишича, у бунга рози бўлмайди, дейилмоқда. Бироқ вазиятга тўғри баҳо берилиб, Нигерия ҳозирнинг ўзида чемпионатда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлиги ҳисобга олинса, бу ҳол Саккини рози бўлишига мажбур қилиши ҳам мумкин.

Жамшид ДАДАЖОНОВ тайёрлаган.

ҲАММАМИЗНИНГ БОЙЛИГИМИЗ ЭМАСМИ?

«Тошшаҳарйўловчиташиш» Давлат уюшмасига қарашли автокорхоналар, трамвай-троллейбус саройларининг ҳайдовчи ва ишчи-хизматчилари йўловчиларни ташиш борасида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Уюшмада ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келаётган бир қатор муаммолар хусусан, транспортларни таъмирлаш, созлаш, транспорт воситаларини эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш кабилар муҳандислар, техниклар, ҳамда ихтирочиларнинг тинмай изланишлари натижасида ҳал этилмоқда.

Сунгги пайтларда шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатилишида сифат ўзгаришлари рўй берди. Кўчаларни тўлдириб, одамга завқ-шавқ бераётган «Мерседес-Бенц», «Татра, «Шкода» русумидаги транспортларининг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Улар ўзининг қулай ва шинамлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда. Шу кеча-кундузда ҳам «Тошшаҳарйўловчиташиш» Давлат уюшмасининг барча бўғинлари ўз куч-ғайратини, саъй-ҳаракатларини шаҳар аҳолисига самарали транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлаган.

Масаланинг яна иккинчи томони бор. Мен ҳозир йўловчиларнинг шаҳар транспортидан фойдаланиш маданияти ҳақида сўз юритмоқчиман. Шаҳар транспортига назар солар эканмиз, не кўз билан кўрайликкки, ўриндиқларнинг ўткир тиғлар билан кесиб ташланганлигини, суянчиқ маҳкамловчи қисмларининг ажратиб юборилганлигини, ўриндиқ суянчиғининг орқа томонларида эса ўйиб, чизиб ёзилган турли бемаъно ёзувларга кўзимиз тушади.

Энг ачинарлиси шуки, ҳали оҳори ҳам тўкилмаган «Мерседес-Бенц»,«Татра»,«Шкода» русумли транспортларга ёзилган сўзларга кўзингиз тушгач, юрагингиз эзилади. Мана улардан намуналар:

67-йуналишдаги 61-41 ТНП рақамли автобусда, «С+Ш»-Д. Нодир 19 кв.6д».

60-йуналишдаги 29-55 ТШП рақамли автобусида: - «Алижон Сабоҳат севги, Санек, Серж, Слава, Юра».

4-йуналишдаги 2730 рақамли трамвай вагонида: «Здесь был Диля и К Анвар 1987 гд. Мы из Инязя Азик, Вольдемар, Вахид, Олег»

37-йуналишдаги 69-60 ТНП рақамли автобусида:- «Алеша, Олеся, Жанна, 1996 г. Эрик, И+Е-С, 25.08.97 г., Венера, Дурдона. Нилуфар Саша, Кристина»

37 йуналишдаги 70-72 ТНП рақамли автобусида - Равшан, Саламат, Барно, Сохиба, Дилшода, Равшан+Тома, Вераника, Слава, Доминга+ Ренат ёзувларига кўзимиз тушади.

Хуллас, бундай ёзувларни исталган маршрутнинг исталган транспортида учратиш мумкин. Бундай ишларнинг деярли барчаси ёшларнинг иши эканлиги аён бўлиб турибди. Наҳотки улар бу транспорт халқимизга қолаверса ўзларига хизмат қилувчи мулк эканлигини ҳис қилишмаса. Ахир бу ҳам транспортдаги иқтисодий қийинчиликларга олиб келадиган оқибатда эса йўл ҳақини ошишига олиб келадиган салбий ҳолат-ку. Бу ҳолни назорат қилишни фақат ҳайдовчилар зиммасига юклаш ҳам инсофдан бўлмаса керак. Бу ҳолатлар ҳар бир транспортдан фойдаланувчи йўловчини ўйлантириши, юксак маданиятта, инсофга чақириши керак.

Дунё миқёсида кундан-кунга салоҳияти ошиб бораётган Узбекистонга кўплаб хорижий меҳмонлар, сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Кейинги пайтлардаги Узбекистон равнақи, юксалиши, унинг шаҳар ва қишлоқларидаги қурилган ва қурилаётган бозорлари чиройида акс этиб турибди. Бежиз, бу юрт тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқчи бўлсанг, авваламбор унинг бозорларининг расталарини айлан, очиққунгил халқини кўр, саховатли заминининг нозу-неъматларидан баҳраманд бўл, деб айтилмаган.

Шаҳар транспортига ҳам шаҳар кўрки ва обруси ҳисобланади, ваҳоланки шаҳар транспортидан юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар фойдаланганида у юрт кўркини мужассамлантирган бўлсин.

Келинг, азиз ҳамшаҳарлар, юртдошлар, ҳозирги вақтинчалик бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқувчи ўтиш даври қийинчиликлари пайтида шаҳар йўловчиларини ташиш транспорти муаммоларини енгиллаштиришга ўзимизнинг юксак савияли маданиятимиз билан транспорт воситаларини сақлашга ҳиссамизни қўшайлик.

Иристой ЭРГАШЕВ.



Денов бозорида...

ОЛИМПИАДА ТАНГАЛАРИ

2000 йилда Сиднейда буладиган Олимпиада ўйинларига бағишлаб танга пуллар зарб этилди. Яқинда Германиянинг Франкфурт шаҳрида тақдимоти булиб ўтди. Олимпиада тангалари битта олтин, иккита кумуш, олтита бронзани ташкил этади. Бу хил танга пуллар шу йилнинг охиригача дунёнинг 50 мамлакатига сотиш учун юборилянпти. Германиянинг ўзида олтин танганинг қиймати 500, кумуши 75, бронзаси эса 19 немис маркасига тенг.

ЭНГ УЗУН КЎПРИК

Италияда дунёда энг узун кўприк қуриладиган бўлди. Ҳозирча кўприкнинг лойиҳаси битди. Мессинск бўғози орқали ўтказиладиган бу ноёб иншоотнинг узунлиги 3.300 метр бўлиб, 10 йил давомида бунёд этилади ва бу ишга 40 минг киши жалб қилиниши мўлжалланмоқда. Кўприк денгиз сатҳидан 60 метр баландда бўлиб кўприк равоғини 2 та баҳайбат минора суяб туради. Милан политехника институтининг мутахассислари кўприкнинг зилзила бардошлигини таъминладилар. Уларнинг фикрича кўприк Рихтер шкаласи бўйича 7 баллга бардош бера олар экан. Кўприкдан бир вақтнинг узида 12 та автомобиль карвони ва иккита темирйўл состави ўтиши мумкин.

ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР, РАҲБАРЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

"Исттаьмир" \Ремтеплосеть\ давлат корхонаси Тошкент шаҳри ҳудудида барча диаметрдаги эски иссиқлиқ тармоқларини янгилайди. Шунингдек,янги шаҳобчаларни қуради. Барча зарур материаллар корхонада бор.Буюртмачиларнинг бўлса, материаллари асосида ҳам ишлайверилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент-100, Бобур кўчаси,53. /собиқ Фрунзе саноат маркази ёнида/ Телефонлар: 55-44-58,55-42-38.

Бош муҳаррир : Сандакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЁЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАҒАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА,Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79.Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа боштаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700129, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январ да Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0756. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Барно СУЛТОНОВА 1 2 3 4 5 6